Ўзбекистонни халқаро дипломатиянинг муҳим марказига айлантириш учун кўп қиррали, вазмин ва мувозанатли ташқи сиёсатни давом эттирамиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

O‘zingni angla!

Hurriyat

Mustaqil gazeta

2026-yil
16-sentyabr
chorshanba
№ 37 (1515)

Gazeta 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ★ www.uzhurriyat.uz ★ @ hurriyatuz@mail.ru ★ t.me/hurriyatuz ★ Hurriyat gazetasi

СИЁСАТ

ЎЗБЕКИСТОН–КОРЕЯ:

ТАЪЛИМ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР ҲАМКОРЛИГИ – ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ ОМИЛИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Корея Республикаси Президенти Ли Чже Мённинг таклифига биноан шу кунларда давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлиб турибди. Мазкур ташриф бутун дунёда жуда катта қизиқиш билан кузатиб борилмоқда. Президентимизнинг давлат ташрифини Корея Республикасининг бир қанча етакчи нашрлари кенг ёритмоқда. Жумладан, “The Chosun Daily” газетасида Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон ва Корея Республикаси: Ўзгаришлар даврида келажак сари интилаётган ҳамкорлик” номли мақоласи чоп этилди.



Ташриф арафасида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик тарихида илк бор ўтказилган Ҳудудлараро форум натижалари юқори баҳоланди. Кейинги форумни Самарқанд шаҳрида ўтказишга келишиб олинди.

Президентлар музокаралар давомида таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорликни чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратишгани янада диққатга молик бўлди.

Дарҳақиқат, бугун дунёда жадал кечаётган технологик ўзгаришлар, сунъий интеллект, рақамли иқтисодиёт ва инновацион ишланмаларнинг ҳаётимизга тобора чуқур кириб келаётгани олий таълим тизими олдига ҳам янги ва масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Энди университет фақат билим берувчи муассаса эмас, балки янги ғоялар, илмий ишланмалар, замонавий технологиялар ва юқори малакали кадрлар шаклланадиган муҳим маскан бўлиши керак. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистоннинг дунёдаги илғор давлатлар билан таълим, илм-фан ва инновация соҳаларидаги ҳамкорлигини кенгайтириш бугунги тараққиётимизнинг муҳим йўналишларидан бирига айланмоқда.

Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги стратегик шериклик муносабатлари ҳам ана шу мақсадларга хизмат қилаётгани қувонарли. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Кореянинг “The Chosun Daily” газетасида эълон қилинган мақоласида таъкидланганидек: **“Ишончим комилки, айнан шу асосда ҳамкорлигимизнинг янги саҳифасини очишимиз — алоҳида соҳалардаги муваффақиятли ҳамкорликдан умумий ишлаб чиқариш тизимлари, технологик платформалар ва янги бозорларни шакллантиришга ўтишимиз мумкин. Бу эса мамлакатларимиз барқарор ва узоқ муддатли фаровонлигининг янада мустаҳкам пойдеворини барпо этади”.**

4-б.

ТАНЛОВ

“Atirgul” — аёл журналистлар ижодининг эътирофи

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ташаббуси билан Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида хотин-қиз журналистлар ўртасида ўтказилган “Atirgul” кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Мазкур танлов журналистика соҳасида фаолият юритаётган хотин-қизларнинг касбий маҳорати, ижодий изланишлари ва жамият ҳаётидаги фаол иштирокини қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу кўрик-танлов сўнгги йилларда турли сабабларга кўра ўтказилмаётган эди. Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг саъй-ҳаракати билан унинг қайта тикланган мамлакатимиз ижодкорларини мамнун этди.



Тадбир доирасида “Atirgul” танловининг 12 та номинацияси бўйича ғолиблар тантанали равишда тақдирланди.

Журналист аёлларнинг турли жанр ва йўналишлардаги ижодий ишлари нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланиб, мазмуни, долзарблиги, касбий маҳорати ҳамда ўзига хос ёндашуви билан ажралиб турган ижод намуналари муносиб эътироф этилди.

2-б.

НУҚТАИ НАЗАР

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНГА ЯНГИ МУҲАНДИСЛАР КЕРАК

Янги саноат ва рақамли иқтисодиётнинг тақдири замонавий муҳандис кадрлар салоҳиятига боғлиқ

Бугун Ўзбекистонда олий таълимни янгилаш, саноатни модернизация қилиш ва рақамли иқтисодиётга ўтиш жараёнлари бир-бири билан чамбарчас боғланиб бормоқда. Бу жараёнлар марказида эса замонавий фикрлайдиган, технологияни тушунадиган ва амалиётда аниқ натижа кўрсата оладиган муҳандис кадрлар тайёрлаш масаласи турибди.

Муҳандислик таълими бугун фақат диплом бериш ёки назарий билим ўргатиш тизими эмас. У мамлакатнинг саноат салоҳиятини ошириш, янги ишлаб чиқаришларни йўлга қўйиш, маҳаллий хомашёни юқори қўшилган қийматли маҳсулотга айлантириш ҳамда рақобатбардош иқтисодиётни шакллантиришнинг муҳим шартидир.



Сўнгги йилларда олий таълим қамрови кенгайди, янги университетлар ва таълим йўналишлари очилди, академик мустақиллик, кредит-модуль тизими, рақамлаштириш ҳамда “Университет 3.0” концепцияси кун тартибига чиқди. Эндиги асосий вазифа миқдорий ўсишни сифат кўрсаткичларига айлантиришдир.

Бугун мамлакат тараққиётини билимли ва ташаббускор муҳандисларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки ҳар бир янги завод, ҳар бир рақамли ечим ва ҳар бир инновацион маҳсулот ортида замонавий билимга эга мутахассислар меҳнати ётибди.

Шу боис муҳандислик таълимини янгилаш фақатгина соҳага оид локал вазифа эмас, бу — саноатни модернизация қилиш, ҳудудларда янги иш ўринлари яратиш, экспортбоп маҳсулотлар тайёрлаш ва мамлакатнинг технологик мустақиллигини таъминлаш билан чамбарчас умуммиллий масаладир.

МУҲАНДИС КАДРЛАРГА ТАЛАБ НЕГА ОРТМОҚДА?

Ўзбекистон иқтисодиёти янги босқичга кўтарилмоқда. Энергетика, кимё, тоғ-кон саноати, қурилиш, транспорт, агросаноат ва ахборот технологиялари каби тармоқларда замонавий ускуналар, рақамли ечимлар ҳамда илмий асосланган ишлаб чиқариш жараёнларига эҳтиёж ортмоқда.

2-б.

НАВОИЙ — ЕВРООСИЁНИНГ ЯНГИ ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА МАРКАЗИ

ёки Гонконг билан стратегик ҳамкорлик самараси ва Навоий халқаро аэропортининг глобал логистика хабига айланиш йўли хусусида



3-б.

АҲВОЛ

СЎЗ ҲАМ ЮРТ ҚИЁФАСИНИ БЕЛГИЛАЙДИ, АММО...



Кўчада кетаётиб, катта реклама баннерига кўзим тушди. Узоқдан қараганда ҳаммаси жойида: ёрқин ранглар, чиройли дизайн, кўзга ташланадиган сурат ва харидорни жалб қилувчи йирик ҳарфлар. Аммо яқинлашганимда рекламанинг энг муҳим бўлаги — сўзнинг ўзи эътиборсиз қолдирилганини кўрдим.

Биттагина имловий хато бутун тасвирнинг таъсирини чиппакка чиқарганди. Қизиғи, баннер ёнидан ўнлаб одамлар ўтди. Кимдир сезди, кимдир сезмади. Сезганларнинг аксарияти ҳам тўхтаб, “Бу ерда хато бор”, деб бош қотирмади чоғи. Чунки биз кўпинча бундай ҳолатларга кўникиб қолганмиз.

Бугун кўчаларимизда улкан реклама тахталари, пешлавҳалар, эълонлар ва баннерларни кўриш мумкин. Уларнинг айримларида бир қарашдаёқ кўзга ташланадиган имловий ва грамматик хатолар учрайди.

6-б.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНГА ЯНГИ МУҲАНДИСЛАР КЕРАК

Янги саноат ва рақамли иқтисодиётнинг тақдири замонавий муҳандис кадрлар салоҳиятига боғлиқ

1-б.

Бу эса меҳнат бозорида оддий ижрочи эмас, муаммони мустақил таҳлил эта оладиган, ечим таклиф қиладиган ва уни амалиётга жорий этишга қодир муҳандисларга талабни кучайтирмоқда.

Шу нуқтаи назардан, муҳандислик таълими таълим тизими ислоҳотлари билан чекланиб қолмай, саноат сиёсати, ҳудудий ривожланиш ҳамда инновацион иқтисодиёт билан ҳам бевосита туташади.

Олий таълимда талабалар сонининг ортиши — ижобий ҳолат. Бироқ фақат қамров билан чекланиш камлик қилади. Агар таълим мазмуни, лаборатория базаси, профессор-ўқитувчилар салоҳияти ва ишлаб чиқариш билан алоқа параллел равишда ривожлантирилмаса, олинган муҳандислик дипломи амалда кутилган натижани бермайди.

Замонавий муҳандис технологиянинг шунчаки фойдаланувчиси эмас, балки уни маҳаллий шароитга мослаштирувчи, такомиллаштирувчи ва янги маҳсулот яратиш жараёнига бош-қош бўлувчи мутахассис даражасига чиқиши шарт. Айниқса, хомашёни чуқур қайта ишлаш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш ва тармоқларни рақамлаштиришда бундай кадрларга эҳтиёж юқори.

Рақамлаштириш жараёни муҳандислик таълими олдига янги талабларни қўймоқда. Катта ҳажмдаги маълумотлар (“Big Data”) билан ишлаш, автоматлаштириш, сунъий интеллект, рақамли моделлаштириш, киберхавфсизлик ҳамда автоматлашган бошқарув тизимларини эгаллаш барча муҳандислик йўналишлари учун устувор вазифага айланди.

Шу билан бирга, муҳандис маҳсулот ёки технология ҳаёт циклининг барча босқичларини — муаммони аниқлаш, техник топшириқ ишлаб чиқиш, лойиҳалаш, синовдан ўтказиш, тизимга киритиш ва такомиллаштиришни яхлит тушуниши лозим. Демак, таълим тизими ҳам айнан шу мантиқий кетма-кетликка таяниши зарур.



УНИВЕРСИТЕТ ВА САНОАТ: ҲАМКОРЛИКСИЗ СИФАТ БЎЛМАЙДИ

Муҳандислик таълимининг бош мақсади — иқтисодиётни технологик янгилашга ҳисса қўшадиган, замонавий ишлаб чиқаришни пухта биладиган ва саноат корхоналарида реал натижа бера оладиган кадрларни тарбиялашдир.

Бунинг учун олийгоҳлар фақат аудиторияда маъруза ўқиладиган макон бўлиб қолмаслиги керак. Улар замонавий лабораториялар, илмий тадқиқот марказлари, стартап хаблари ҳамда ишлаб чиқариш билан интеграциялашган амалий марказларга айланиши шарт.

Саноат корхоналари эса тайёр битирувчини ишга қабул қилувчи пассив истеъмолчи бўлиб қолмай, ўқув дастурларини шакллантириш, амалиётларни йўлга қўйиш, долзарб лойиҳа мавзуларини белгилаш ва малака талабларини баҳолашда фаол буюртмачига айланиши даркор.

Агар университет ва корхона ўртасидаги алоқа номигагина ўтказиладиган расмий амалиёт даражасида қолса, таълим ҳаётдан узилиб қолаверади. Аксинча, қўшма лабораториялар, саноат магистратураси, ишлаб чиқаришга йўналтирилган лойиҳалар орқали талаба ҳақиқий ишлаб чиқариш муаммоларини ҳал этишни ўрганади, корхона эса ўзи истаган рақобатбардош мутахассисни тайёрлаб олади.

Шу боис соҳани ривожлантиришда “давлат — университет — саноат” уч томонлама спирали ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу занжирда давлат стратегик вазифаларни белгилайди, саноат аниқ технологик эҳтиёжни шакллантиради, университет эса чуқур билим, тадқиқот ва малакали кадрлар воситасида ушбу эҳтиёжларни таъминлайди.

ҚАЙСИ ЙЎЛ МАҚБУЛ?

Муҳандислик таълими истиқболида бир нечта йўл мавжуд:

Биринчи йўл — фақат талабалар сонини кўпайтиришга урғу бериш. Бу усул сон жиҳатдан кўрсаткич берса-да, сифат таъминланмаган шароитда меҳнат бозорида дипломли, аммо амалий кўникмасиз кадрлар пайдо бўлишига олиб келади.

Иккинчи йўл — етакчи техник ва тармоқ университетларини кучли илмий-инновацион марказларга айлантириш. Бунда таълим, фан, амалиёт ва технологиялар трансфери ягона тизимга бирлашади. Бу мамлакат саноати учун энг истиқболли йўналишдир.

Учинчи йўл — ҳудудий-тармоқ ихтисослашуви. Ҳар бир вилоятнинг индустриал хусусияти ўзгача: бирида кимё ва нефть-газ устувор бўлса, бошқасида тоғ-кон, металлургия, энергетика, тўқимачилик ёки агросаноат ривожланган. Муҳандислик таълими бевосита ана шу маҳаллий талабга мослашиши лозим.

Назаримизда энг тўғри ёндашув инновацион модель билан ҳудудий ихтисослашувни уйғунлаштиришдир. Яъни республикада, бир томондан, стратегик миллий муҳандислик марказлари фаолият юритса, иккинчи томондан, ҳудудлар саноати билан бевосита боғланган амалий таълим муассасалари тизими шаклланиши лозим.

ТАЪЛИМ МАЗМУНИ ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШИ КЕРАК?

Муҳандислик таълимини такомиллаштириш, энг аввало, назария ва амалиёт ўртасидаги жарликни бартараф этишдан бошланади. Талаба мураккаб формулаларни ёд билгани билан, уни ишлаб чиқаришдаги аниқ муаммога татбиқ эта олмаса, таълимнинг мақсадига эришилмайди.

Шунинг учун дастурларда лаборатория машғулотлари, амалий лойиҳалар, саноат кейслари, компьютер моделлаштириши ва фанлараро вазифалар улуши кескин оширилиши керак. Талаба таҳлил қилиш, алгоритм тузиш, муҳандислик ечимини синовдан ўтказиш ва якуний натижа учун масъулиятни бўйнига олишни ўрганиши шарт.

Шубҳасиз, фундаментал билимларсиз муҳандис етиштириб бўлмайди. Аммо математика, физика, кимё, материалшунослик ва АТ фанлари қуруқ қоида тарзида эмас, балки аниқ муҳандислик вазифаларини ҳал этиш контекстида ўқитилиши керак. Шундагина аудитория билан цех, лаборатория билан ишлаб чиқариш майдони ўртасидаги масофа қисқаради.



Айни пайтда рақамли муҳит ҳам электрон журнал ёки тест тизими билан чекланиб қолмаслиги керак. Бўлажак муҳандис замонавий “CAD/CAM/CAE” платформаларида лойиҳалаш, алгоритмлаш, виртуал синовлар ва рақамли эгизаклар (“digital twins”) билан ишлаш кўникмаларини мукаммал ўзлаштириши даркор. Акс ҳолда, рақамлаштириш расмиятчиликдан, яъни қоғозбозликни электрон шаклга кўчиришдан нарига ўтмайди.

Муҳими, натижа дипломдаги баҳолар билан эмас, битирувчининг мустақил қарор қабул қилиш, лойиҳани иқтисодий жиҳатдан асослаш ва хавфсиз технологик ечим бера олиш қобилияти билан баҳоланиши шарт.

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ — ДАВР ТАЛАБИ

Технологиялар шиддат билан янгиланаётган бугунги даврда олийгоҳда бир марта олинган диплом бутун меҳнат фаолияти учун етарли бўлади, деб ўйлаш хатодир. Муҳандис ҳар доим ўқиб-ўрганиши, янги дастурий маҳсулотлар, инновацион ускуналар ва ишлаб чиқариш тенденцияларини узлуксиз ўзлаштириб бориши лозим.

Шу сабабли олийгоҳлар нафақат талабалар, балки корхоналарда фаолият юритаётган мутахассисларнинг ҳам билимини янгилаш марказига айланиши керак. Қисқа муддатли ихтисослаштирилган курслар, қайта тайёрлаш дастурлари ва амалий корпоратив магистратуралар тармоқларнинг доимий талабини қондира олади.

Бундай муҳитда талаба ёки ишлаб чиқариш ходими мавҳум назарий мавзулар билан эмас, балки завод олдида турган реал технологик муаммо устида ишлайди. Бу эса саноатга аниқ ечим, олий таълим муассасасига эса ҳақиқий илмий-амалий тадқиқот имконини тақдим этади.

* * *

Бугун Ўзбекистон муҳандислик таълими ҳал қилувчи босқичда турибди. Кун тартибидаги бош вазифа — муҳандислар сонини шунчаки кўпайтириш эмас, балки юқори малака ва мустақил тафаккурга эга сифатли мутахассисларни шакллантиришдир.

Эртанги кун муҳандиси илмга суянган, рақамли кўникмаларни пухта эгаллаган ва саноат муаммосини дадил ҳал эта оладиган мутахассисдир. Бундай муҳитни яратиш учун университет, саноат тармоқлари ва давлат бирдамликда ҳаракат қилиши керак.

Агар таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқа тизимли тарзда йўлга қўйилса, муҳандислик таълими шунчаки мутахассис етказиб берувчи соҳа эмас, балки миллий иқтисодиётнинг технологик тараққиётини олдинга бошловчи асосий ҳаракатлантирувчи кучга айланади.

Зеро, замонавий муҳандис — шунчаки бир касб эгаси эмас. У Янги Ўзбекистоннинг рақамли саноати ва иқтисодий мустақиллигини барпо этувчи асосий бунёдкордир.

Ботир УСМОНОВ,
Тошкент кимё-технология институти ректори.

“Atirgul” – аёл журналистлар ижодининг эътирофи

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ташаббуси билан Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида хотин-қиз журналистлар ўртасида ўтказилган “Atirgul” кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.





1-б.

Маросимнинг яна бир муҳим жиҳати шунда бўлдики, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси сафига янги қабул қилинган 25 нафар хотин-қиз журналистга аъзолик гувоҳномалари ҳам тантанали равишда топширилди. Бу эса ижодкорлар сафи кенгайиб, уларда касбий бирдамлик ва ҳамкорликка интилиш тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

Бугунги кунда журналистика тезкорлик, чуқур таҳлил, замонавий технологиялар ва янгича ижодий қарашни талаб этмоқда. Бу жараёнда хотин-қиз журналистларнинг ўзига хос нигоҳи, ижтимоий масалаларни ёритишдаги фаоллиги ҳамда салоҳияти алоҳида аҳамият касб этади.

“Atirgul” кўрик-танлови ана шу салоҳиятни юзага чиқариш, журналист аёллар меҳнатини муносиб баҳолаш, уларнинг илғор тажрибасини оммалаштириш ва янги ижодий лойиҳаларга йўл очишга хизмат қилади.

Танлов нафақат ғолибларни аниқлаш, уларни моддий ҳамда маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, балки соҳа ходималарини бирлаштириш, ўзаро тажриба алмашиш ва янги имкониятларни яратиш нуқтаи назаридан ҳам муҳимдир.

Зеро, жамиятдаги муҳим жараёнларни холис ва таъсирчан ёритиб келаётган аёл журналистларнинг меҳнати, изланиши ва фидойилигини эътироф этиш — миллий журналистика тараққиётига берилган муносиб баҳодир.

Танлов ғолиблари ҳам бугунги эътироф уларга янги марраларни забт этишда муҳим рағбат бўлганини билдирдилар.

— “Atirgul” кўрик-танловининг қайта тикланган юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳаётдаги ёрқин ифодаси, хотин-қизлар ҳуқуқлари таъминланаётгани, фуқаролик жамияти фаоллашаётгани ҳамда аёл журналистлар давлат томонидан қўллаб-қувватланаётганининг яққол далилидир, — деди ғолиблардан бири, “Вести Каракалпакстана” газетасининг махсус мухбири Ҳалима Халилаева. — Нашримиз 100 йиллик тарихга эга. Бугун устозлар ишини давом эттиряпмиз. Асосан, хотин-қизлар мавзусида қалам тебратаман. Мазкур республика танловида муваффақият қозонган барча касбдошларимга улкан ижодий зафарлар тилайман.

— Олис қишлоқдан келиб, матбуотда, айниқса, аёллар учун камёб саналган фотожурналистика йўналишида эътирофга сазовор бўлганим ва “Atirgul” мукофотини қўлга киритганимдан беҳад хурсандман, — деди “Ёшлар овози” газетаси мухбири, нуфузли танловнинг “Энг яхши фотожурналистик иш” номинацияси ғолиби Холида Мусурмонова. — Фотожурналистика — соҳанинг энг мураккаб тармоқларидан бири. Кўп йиллардан буён ушбу йўналишда изланиб келмоқдаман, бугун меҳнатим қадрланиб, мана шундай мукофотга эга чиққанимдан фахрланаман.

Дарҳақиқат, “Atirgul” — аёл журналистларнинг истеъдоди, жасорати, маҳорати ва тинимсиз изланишларига берилган муносиб эътирофдир!

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси
Ахборот хизмати.

ФАОЛИЯТ

НАВОИЙ — ЕВРООСИЁНИНГ ЯНГИ ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА МАРКАЗИ

ёки Гонконг билан стратегик ҳамкорлик самараси ва Навоий халқаро аэропортининг глобал логистика хабига айланиш йўли хусусида



Бугун дунё иқтисодиётида транспорт йўлаклари ва логистика тармоқлари оддий ташиш тизими эмас, балки давлатларнинг иқтисодий барқарорлиги, ташқи савдо имкониятлари ва минтақавий рақобатбардошлигини белгилайдиган стратегик инфратузилмага айланди. Қайси давлат халқаро транспорт оқимларида муносиб ўрин эгалласа, унинг инвестициявий жозибадорлиги, экспорт салоҳияти ва иқтисодий алоқалар кўлами ҳам шунчалик кенгаяди. Шу нуқтаи назардан Навоий халқаро аэропорти атрофида сўнгги даврда шаклланаётган янги халқаро ҳамкорликлар Ўзбекистоннинг транспорт-логистика сиёсатидаги муҳим устувор йўналишлардан бири сифатида намоён бўлмоқда.



2026 йил 9 сентябрь куни Хитой Халқ Республикасининг Гонконг шаҳрида ўтказилган “Бир макон — бир йўл” халқаро форуми доирасида “Навоий халқаро аэропорти” МЧЖ ҳамда Гонконгнинг “Harvest Epoch Strategic Investment Limited” компанияси ўртасида Стратегик альянс тўғрисидаги келишув имзоланиши ана шу жараённинг муҳим воқеаси бўлди. Мазкур келишув Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 9 февралдаги ПҚ–50-сон қарорида белгиланган Навоий халқаро аэропорти фаолияти самарадорлигини ошириш, унинг халқаро транспорт-логистика тизимидаги ўрнини мустаҳкамлашга қаратилган вазифалар билан ҳамоҳангдир.

Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур келишув Гонконгдаги “Бир макон — бир йўл” форумининг халқаро мазмуни билан уйғун ҳолда амалга оширилди. Гонконгнинг “Sing Tao Headline” нашри 9 сентябрь куни хабар берганидек, Гонконг халқаро аэропорти маслаҳат хизмати ҳамда стратегик инвестиция компанияси Навоий халқаро аэропортини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳамкорлик келишувини имзолаган. Ушбу ҳамкорликнинг мақсади Гонконг халқаро аэропортининг аэропорт бошқаруви ва эксплуатацияси соҳасидаги тажрибаси ҳамда профессионал билимларидан фойдаланган ҳолда Навоий аэропортини “Бир макон — бир йўл” доирасидаги муҳим хабга айлантиришга кўмаклашишдан иборат. Нашр маълумотига кўра, 2026 йил март ҳолатида Гонконг халқаро аэропорти “Бир макон — бир йўл” йўналишидаги 41 мамлакатнинг 78 та аэропорти билан боғланган. Бу рақам ҳамкорликнинг қандай улкан тажриба базасига таянаётганини кўрсатади.

Бу ерда масаланинг сиёсий аҳамиятига ҳам алоҳида тўхталиш жоиз. Ўзбекистон сўнгги йилларда очиқ ва прагматик ташқи сиёсат, ўзаро манфаатли иқтисодий дипломатия ва транспорт коммуникацияларини кенгайтиришга қаратилган ёндашувни изчил амалга оширмоқда. Навоий аэропортининг халқаро логистика маркази сифатида ривожланиши эса ана шу ташқи иқтисодий стратегиянинг амалий ифодаларидан биридир. Чунки замонавий транспорт хаби — бу фақат самолётлар қўнадиган ва юк ортиладиган маскан эмас. У давлатнинг халқаро иқтисодий алоқаларини боғлайдиган, сармоя ва технологияларни жалб этадиган, янги бозорларга чиқиш имконини берадиган стратегик нуқтадир.

Стратегик альянс доирасида халқаро юк оқимларини кенгайтириш, электрон тижорат ва экспресс етказиб бериш лойиҳаларини ривожлантириш, совуқ занжирли логистика, яъни ҳарорат назорати талаб этиладиган маҳсулотларни ташиш тизимини йўлга қўйиш, автомобиль саноати юклари, оғир ва йирик ҳажмли юклар учун янги имкониятлар яратиш белгиланмоқда. Буларнинг ҳар бири Ўзбекистон иқтисодиёти учун алоҳида аҳамиятга эга. Айниқса, электрон тижорат ҳажмининг ортиши тезкор ва ишончли авиация логистикасига талабни кучайтирмоқда.

Келишувда темир йўл-авиация ташувларини ривожлантиришга алоҳида урғу берилгани ҳам бежиз эмас. Мультимодал логистикада турли транспорт воситаларининг ягона занжирга бирлашиши юкларнинг ҳаракатини тезлаштиради, ташиш харажатларини мақбуллаштиради ва транзит маршрутларининг самарадорлигини оширади. Навоий эркин иқтисодий зонаси билан аэропорт имкониятларини ўзаро боғлаш эса ишлаб чиқариш, экспорт, омборхона, божхона ва транспорт хизматларини бир тизимга яқинлаштириш учун муҳим замин яратади.

Бу жараён Навоий вилояти иқтисодиёти учун ҳам янги истиқболларни очади. Йирик логистика хаби атрофида транспорт-экспедиторлик компаниялари, омбор ва терминал мажмуалари, электрон тижорат операторлари, сервис хизматлари ва саноат кооперацияси ривожланиши мумкин. Яъни аэропортнинг халқаро хабга айланиши биргина авиация соҳасига эмас, балки ҳудуднинг умумий иқтисодий фаоллигига таъсир кўрсатади. Янги инвестициялар, янги хизмат турлари ва янги иш ўринлари учун замин яратилади.

Гонконг тажрибасининг Навоийга кириб келиши эса ушбу жараённи янада мазмунли қилади. Халқаро аэропортларни бошқариш, операцион самарадорлик, сервис маданияти, логистика жараёнларини рақамлаштириш, халқаро операторлар билан ишлаш ва кадрлар салоҳиятини ошириш каби йўналишларда илғор тажрибадан фойдаланиш Навоий аэропортининг янги босқичдаги фаолияти учун муҳим аҳамият касб этади.



Бу — тайёр моделни кўчириш эмас, балки халқаро тажрибани миллий ва минтақавий имкониятлар билан уйғунлаштириш масаласидир.

Навоийнинг географик жойлашуви ҳам бу мақсадга мос келади. Европа, Хитой ва Жанубий Осиё бозорлари ўртасидаги иқтисодий алоқалар кенгайиб бораётган бир шароитда Марказий Осиёдаги транспорт боғлиқлигини кучайтириш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу маънода Навоийни халқаро мультимодал хаб сифатида ривожлантириш Ўзбекистоннинг минтақадаги транспорт-транзит салоҳиятини янада юқори босқичга олиб чиқиши мумкин.

Энг муҳими, мазкур ташаббус Ўзбекистоннинг “Бир макон — бир йўл” доирасидаги иқтисодий ва транспорт алоқаларини янада чуқурлаштиришга хизмат қилади. Хитой, Гонконг, Марказий Осиё, Европа ва Жанубий Осиё ўртасидаги юк оқимларида Навоийнинг роли ошиши мамлакатимизнинг ташқи савдо географиясини кенгайтириш, транзит хизматларидан олинадиган иқтисодий самарани кўпайтириш ва янги халқаро ҳамкорларни жалб этиш имконини беради.

Шу маънода 9 сентябрда Гонконгда имзоланган стратегик келишувларнинг мазмунини биргина инвестициявий ҳужжат доирасида баҳолаб бўлмайди. Унда Ўзбекистоннинг транспорт мустақиллиги, экспорт йўлакларини диверсификация қилиш, минтақавий боғлиқликни кучайтириш ва халқаро иқтисодий майдондаги ўрнини мустаҳкамлаш каби кенг стратегик мақсадлар мужассам. Навоий халқаро аэропортининг ривожланиши мамлакатнинг геоиқтисодий имкониятларини амалиётга айлантиришга хизмат қиладиган муҳим лойиҳалардан бирига айланмоқда.

Бугун Навоий аэропорти олдида турган вазифа — фақат юк ҳажмини ошириш эмас. Асосий мақсад замонавий, рақамлашган, халқаро стандартларга жавоб берадиган, авиация, темир йўл ва автомобиль транспортини бирлаштирадиган комплекс логистика тизимини барпо этишдир. Ана шунда Навоий нафақат Ўзбекистоннинг, балки Марказий Осиёнинг муҳим транспорт-логистика марказларидан бири сифатида янги мақомга эга бўлади.

Пировардида, Европа, Жанубий Осиё ва Хитойни боғлайдиган стратегик мультимодал логистика хабини шакллантириш — бу бир аэропортнинг ривожланиш концепцияси эмас, балки мамлакатнинг янги иқтисодий географиясини яратишга қаратилган узоқ муддатли мақсаддир. Бу мақсад йўлида Гонконгнинг тажрибаси, инвестициявий салоҳияти ва халқаро алоқалари Навоий учун муҳим ресурс бўлиб хизмат қилиши мумкин. Энг муҳими, бу ҳамкорлик Ўзбекистоннинг очиқ, прагматик ва манфаатли халқаро шериклик сиёсати самараларини транспорт-логистика соҳасида яққол намоён этади.

Навбаҳор ДАРХОНОВА

Реклама ҳуқуқи асосида.





УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

“ШАРАФЛИ ЙЎЛ” — ИСТЕЪДОД ВА ИЖОД НАМОЙИШИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамкорлигида “Шарафли йўл” видеороликлар кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ташкил этилди.



Ўзбекистон Миллий кино санъати саройида бўлиб ўтган ушбу тадбир соҳа ижодкорлари ва медиа вакилларини бир даврага жамлади. Танлов замонавий медиа имкониятларидан самарали фойдаланиш, ижодкорларнинг янгича ғоя ва ёндашувларини қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг видеоконтент яратиш борасидаги изланишларини рағбатлантиришга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди.

Танлов учта — “Энг яхши видеоролик”, “Сунъий интеллект ёрдамида яратилган энг яхши видеоролик” ва “Мобилография асосида яратилган энг яхши видеоролик” номинацияларига бўйича ўтказилди. Бу эса бугунги медиамаконда анъанавий ижод билан бирга замонавий технологиялар ва мобиль қурилмалар имкониятларига ҳам катта эътибор берилаётганини кўрсатади.

Тақдирлаш маросимида танловда муносиб иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритган ижодкорларга эсдалик совғалари ҳамда пул мукофотлари топширилди. Бу уларнинг ижодий меҳнатини эътироф этиш билан бирга, янги лойиҳалар учун муҳим рағбатдир.

Шунингдек, бир гуруҳ ижодкорларга Ўзбекистон Журналистлар уюшмасига аъзолик гувоҳномалари топширилиб, уларнинг соҳадаги фаол иштироки яна бир бор эътироф этилди.

Тадбир якунида иштирокчилар эътиборига “Журналист” бадиий фильми ҳавола этилди. Шу тариқа “Шарафли йўл” кўрик-танлови нафақат ғолибларни тақдирлаш, балки журналистика, кино ва замонавий медиа ижодкорлигини уйғунлаштирган нуфузли анжуманга айланди.

ЯНГИ КИТОБЛАР ТАҚДИМОТИ

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси, таниқли журналист Комила Султоновaнинг “Акс олам” ва “Ҳаёт тилсими” номли китоблари тақдимоти бўлиб ўтди.



Тадбирда ижодкорнинг журналистика ва адабиёт йўналишидаги кўп йиллик фаолияти, ижодий изланишлари ҳамда янги китобларининг мазмун-моҳияти хусусида сўз юритилди. Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси ўринбосари Дилшод Бўриев ва бошқа иштирокчилар муаллифни янги нашрлар билан қутлаб, ижодига доир фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Муаллифнинг “Акс олам” ва “Ҳаёт тилсими” китобларида инсон, ҳаёт, тақдир ва жамият ҳақидаги қарашлар, турли ҳаётий кечинмалар ҳамда теран мушоҳадалар ўзига хос тарзда акс этган бўлиб, улар ижодкорнинг ҳаёт ҳодисаларини англаш ва бадиий ифодалашга бўлган интилишини намоён этади.

Тақдимотда “Жаҳон адабиёти” журнали бош муҳаррири, публицист Аҳмаджон Мелибоев, таниқли адиблар Хуршид Дўстмуҳаммад, Маматқул Ҳазратқулов, Қўчқор Норқобил ҳамда тележурналист Саидазим Мардиев сўз олиб, ижод заҳмати ва масъулияти хусусида фикр юритдилар, муаллифга тавсия ва тилакларини билдирдилар.

Мазкур ижодий учрашув Комила Султоновaнинг янги асарлари билан яқиндан танишиш ва долзарб мавзуларда фикр алмашиш учун самимий мулоқот майдонига айланди.

ЖУРНАЛИСТЛАР ФУТБОЛ МАЙДОНИДА

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Жиззах вилояти бўлими ташаббуси билан ОАВ ходимлари ўртасида “Жиззах шаҳар ҳокими кубоги” учун футбол мусобақаси ташкил этилди.

Журналистлар одатдаги ижодий иш тартибидан бир муддат чалғиб, футбол майдонида ўзаро куч синашдилар. Қизғин ва муросасиз руҳда кечган баҳслар якунида Сирдарё вилоят телеканали жамоаси барча рақибларидан устун келиб, бош совринни қўлга киритди.

Мусобақа ниҳоясида Жиззах шаҳар ҳокими Комил Холмуродов ҳамда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси Шуҳрат Орипов ғолибларни муваффақият билан қутлаб, эсдалик совғаларини топширдилар.



Ушбу спорт тадбири нафақат ғолибларни аниқлаш, балки соҳа вакилларини бирлаштириш, улар ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилди.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ АЁЛ МЕДИА МУТАХАССИСЛАРИ АНЖУМАНИ

Тошкент шаҳрида “Минтақавий бирдамлик, рақамли хавфсизлик ва журналистиканинг инклюзив келажаги” мавзусидаги II Марказий Осиё халқаро аёл медиа мутахассислари конференцияси ўз ишини бошлади.



Икки кунлик халқаро анжуманда Марказий Осиё давлатларидан 100 нафардан зиёд аёл журналист, муҳаррир, медиа-менежер, блогер ва инсон ҳуқуқлари фаоллари қатнашмоқда. Тадбирда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вакиллари ҳам фаол иштирок этмоқда.

Ахборот алмашинуви тезлашган ва рақамли технологиялар ривожланган бугунги даврда медиа ходимлари олдида янги вазифалар кўндаланг бўлмоқда. Шу боис анжуман кун тартибидан рақамли хавфсизлик, сунъий интеллект, гендер стандартлари, дезинформация ва онлайн зўравонликка қарши курашиш ҳамда соҳадаги аёлларни қўллаб-қувватлаш масалалари ўрин олган.

Анжуман давомида ушбу йўналишлардаги муаммолар ва замонавий тенденциялар юзасидан фикр алмашилиб, мутахассисларнинг илғор тажрибалари таҳлил қилинмоқда.

Конференциянинг асосий аҳамияти — минтақа медиа вакиллари ўртасида касбий мулоқотни йўлга қўйиш, умумий таҳдид ва муаммоларга биргаликда ечим топиш ҳамда профессионал ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлашдан иборатдир.

“FIKRLAB” КЛУБИ АЪЗОЛАРИ ОЗАРБАЙЖОН ЖУРНАЛИСТИКАСИ БИЛАН ТАНИШДИ



Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ташаббуси билан “FikrLab” ёш журналистлар клуби аъзоларининг Озарбайжоннинг “Editor.az” интернет нашри бош муҳаррири, “Islohotchi yoshlar” ННТ раҳбари Фарид Шаҳбазли билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашув ёш журналистлар учун халқаро тажрибани ўрганиш ва замонавий медиа жараёнларини муҳокама қилиш имконини берди. Сунъий интеллектнинг медиадаги ўрни, у тақдим этаётган кенг имкониятлар ҳамда келтириб чиқариши мумкин бўлган хавф-хатарлар муҳокамаси мулоқот марказида бўлди.

Шунингдек, Фарид Шаҳбазли Озарбайжон оммавий ахборот воситаларининг ривожланиш йўли ва миллий медиа соҳасидаги замонавий ўзгаришлар хусусида сўзлаб берди.

Учрашувда икки мамлакат медиа вакиллари ўртасида профессионал алоқаларни ривожлантириш, тажриба алмашиш ва ижодий ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Ахборот хизмати.

ЎЗБЕКИСТОН–КОРЕЯ:

ТАЪЛИМ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР ҲАМКОРЛИГИ — ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ ОМИЛИ

1-6.



Шубҳасиз, бу фикрлар, аввало, таълим, илм-фан ва инсон капитали соҳасидаги ҳамкорликка бевосита дахлдор. Чунки замонавий технологияларни яратадиган, уларни бошқарадиган ва ишлаб чиқаришга жорий этадиган асосий куч — билимли, малакали ва инновацион фикрлайдиган кадрлардир. Қувончлиси, сўнгги йилларда Ўзбекистон-Корея муносабатларида ана шу йўналишда салмоқли натижаларга эришилмоқда. Икки давлат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми қарийб 5 баробарга ошгани, Корея инвестицияларининг Ўзбекистондаги ҳажми 8 миллиард доллардан ортгани, корейс капитали иштирокида 700 дан зиёд қўшма корхона ва лойиҳалар амалга оширилаётгани ҳамкорликнинг кенг кўламидан далолат беради. Бироқ иқтисодий кўрсаткичлар билан бир қаторда, биз учун таълим, илм-фан ва инсон капиталига инвестиция киритиш масаласи ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Фарғона давлат техника университетининг Корея Республикасидаги етакчи олий таълим муассасалари билан ҳамкорлиги айнан шу эҳтиёждан келиб чиқиб ривожланмоқда. Сеул шаҳрида “Seoul National University of Science and Technology — SeoulTech” президенти Ким Донг Хван билан ўтказган учрашувимизда университетларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишнинг аниқ механизмларини муҳокама қилдик. Бугун сунъий интеллект саноат, транспорт, энергетика, шаҳарсозлик, тиббиёт, таълим ва бошқа кўплаб соҳалар ривожининг муҳим омилига айланмоқда. Шу боис университетимизда сунъий интеллект соҳасида қўшма лаборатория ташкил этиш, ушбу йўналишдаги ўқув дастурлари ва электрон таълим ресурсларини ўзаро алмашиш, профессор-ўқитувчилар ва тадқиқотчиларнинг академик мобиллигини таъминлаш бўйича аниқ келишувларга эришдик.

Яқин истиқболда “SeoulTech”нинг 5 нафар профессор-ўқитувчисини университетимизга меҳмон-лектор сифатида таклиф этиш, Фарғона давлат техника университетининг 10 нафар профессор-ўқитувчисини сунъий интеллектнинг устувор йўналишлари бўйича қисқа муддатли стажировкага юбориш режалаштирилмоқда. Шунингдек, 2 нафар илмий тадқиқотчини илмий стажировкага юбориш ва уларнинг тадқиқотларига ҳар икки университетдан илмий раҳбарларни бириктириш бўйича ҳам келишувларга эришдик. Ҳамкорликнинг асосий йўналишлари “Smart City”, робототехника, кибер-хавфсизлик, ахборот технологиялари ва сунъий интеллектни бошқариш масалаларини қамраб олади. Мен бу лойиҳаларни оддий академик алмашинув эмас, балки университетимизнинг илмий салоҳиятини халқаро даражага олиб чиқишга хизмат қиладиган узоқ муддатли ҳамкорликнинг муҳим пойдевори, деб ҳисоблайман.

Зеро, бугун мамлакатимиз олдида турган тараққиёт вазифалари ҳам айнан юқори технологиялар ва инсон капитали билан узвий боғлиқ. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз беш йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида илгари сурилган етти миллий дастур орасида бу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Учинчи миллий дастур — иқтисодиётимизни юқори технология ва меҳнат унумдорлиги моделига ўтказиш. Ушбу дастурда ёшларимизнинг салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқаришда стартап, венчур ва сунъий интеллектни ривожлантириш устувор йўналишга айланиши белгилангани бежиз эмас. Чунки бугунги ёшлар — эртанги технологик тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи.

Биз олий таълим муассасаси сифатида бу вазифани ўз фаолиятимизнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида кўрамиз. Талабаларимизни нафақат мавжуд технологияларни ўзлаштиришга, балки янги технологиялар, стартаплар ва инновацион ечимларни яратишга қодир мутахассислар сифатида тайёрлашимиз керак. Бунинг учун эса уларга замонавий лабораториялар, халқаро тажриба, кучли илмий мактаблар ва хорижий ҳамкорлар билан ишлаш имкониятини яратиш зарур. Корея билан ҳамкорликдаги яна бир муҳим йўналиш — ёшларимизнинг тил ва маданий салоҳиятини оширишдир. “World Educational and Cultural Aid — WECA” ташкилоти билан ҳамкорликда Фарғона давлат техника университетида Корея тили ва маданияти марказини ташкил этиш бўйича келишувга эришдик. Марказ замонавий жиҳозлар билан таъминланади ва бу ерда нафақат талабалар, балки Фарғона шаҳри ва атроф ҳудудлардаги ёшлар ҳамда аҳоли учун корейс тилини бепул ўрганиш имконияти яратилади.

Тил — халқларни бир-бирига яқинлаштирадиган муҳим кўприк. Корейс тили ва маданиятини ўрганаётган ёшларимиз келгусида Кореяда таҳсил олиш, стажировка ўташ, халқаро лойиҳаларда иштирок этиш ва меҳнат бозорида рақобатбардош бўлиш учун янада кенг имкониятларга эга бўлади. Корея ташрифи доирасида “Yonsei University Mirae Campus” билан ҳам ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилдик. “Mirae” кампуси ректори Yeonseob Na ва Халқаро муносабатлар офиси декани, доцент Park Eungsu билан учрашувимизда талабалар алмашинуви, магистратура дастурларига талабаларимизни юбориш, қўшма докторантура — “Co-Tutelle” тизими асосида илмий кадрлар тайёрлаш ва қўшма илмий тадқиқотларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Биз учун хорижий университетлар билан ҳамкорликнинг асосий мезони — имзоланган меморандумлар сони эмас, балки уларнинг талабалар, профессор-ўқитувчилар ва тадқиқотчилар учун реал имкониятларга айланишидир. Шу сабабли ҳар бир келишувни аниқ лойиҳалар, қўшма дастурлар ва натижадор механизмлар билан тўлдиришга ҳаракат қиляпмиз. Сеулда ўтказилган биринчи Ўзбекистон-Корея ҳудудлараро ҳамкорлик форуми ҳам биз учун ана шу жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлди. Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров бошчилигидаги делегация таркибида иштирок этиб, форумда “Ўзбекистон-Корея: бугунги ҳолат ва истиқболлар” мавзусида маъруза қилдим.

Форум доирасида таълим, илм-фан ва инновациялар соҳасидаги ҳамкорликнинг янги йўналишлари муҳокама қилинди. Хусусан, “University of Ulsan” билан қўшма дипломли магистратура дастурларини йўлга қўйиш, “SeoulTech” ва “AHA Co.,Ltd” билан университетнинг “Endowment Fund” тизимини ривожлантириш бўйича методик ҳамкорликни йўлга қўйиш ташаббуслари илгари сурилди. Корея билан ҳамкорликда биз, аввало, ёшларимизнинг келажагини кўрамиз. “KT&G Scholarship Foundation” билан мулоқотларда ҳам замонавий касбларга ёшларни тайёрлаш, халқаро таълим дастурларини кенгайтириш, Кореяда таҳсил олиш ва меҳнат қилиш имкониятларини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Бугун Фарғона давлат техника университетида 20 мингдан ортиқ талаба таҳсил олмоқда. Уларнинг ҳар бири учун халқаро таълим муҳити, замонавий технологиялар ва муносиб меҳнат бозорига чиқиш имкониятини яратиш биз учун нафақат вазифа, балки катта масъулиятдир. Шу маънода, Ўзбекистон-Корея ҳамкорлиги университетимиз ёшлари учун янги таълим траекториялари, илмий стажировкалар, қўшма дастурлар ва халқаро лойиҳалар эшигини очмоқда. Корея ташрифининг яна бир муҳим жиҳати — олий таълим ва илмий салоҳиятни реал ишлаб чиқариш билан боғлаш имкониятларининг кенгайганидир. Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров бошчилигидаги делегациянинг Корея Республикасига амалий ташрифи доирасида Сеонгнам шаҳридаги махсус саноат зонасида фаолият юритаётган компанияларнинг маҳсулотлари ва инновацион ишланмалари билан танишдик.

Мазкур ташрифда Фарғона давлат техника университети делегацияси ҳам фаол иштирок этди. Сеонгнам махсус саноат зонасида фаолият юритаётган компаниялар вакиллари билан ўтказилган музокараларда илмий-техник ҳамкорлик, инновацион ишланмаларни амалиётга жорий этиш, талабалар учун амалиёт ва стажировкалар ташкил этиш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда илғор технологияларни таълим жараёнига олиб кириш масалалари муҳокама қилинди. Айниқса, сунъий интеллект ва рақамли технологиялар, замонавий ишлаб чиқариш, автоматлаштириш ҳамда муҳандислик йўналишларида корейс компаниялари билан ҳамкорликни кенгайтириш учун янги имкониятлар белгилаб олинди. Бу биз учун жуда муҳим. Чунки университетда шаклланган илмий ғоя ва инновацион ишланма ишлаб чиқаришда ўз ифодасини топсагина, унинг ҳақиқий қиймати намоён бўлади. Талаба эса назарий билимни замонавий корхонадаги реал жараён билан боғлагандагина рақобатбардош мутахассис бўлиб шаклланади. Шу маънода, Сеонгнам махсус саноат зонаси билан ҳамкорлик университетимизнинг таълим — илм-фан — ишлаб чиқариш занжирини янада мустаҳкамлаш учун муҳим имкониятдир. Президентимиз таъкидлаганидек, бугунги ҳамкорликни алоҳида соҳалардаги муносабатлардан умумий ишлаб чиқариш тизимлари, технологик платформалар ва янги бозорларни шакллантириш босқичига олиб чиқишимиз зарур. Менимча, бу вазифанинг мустаҳкам пойдевори — таълим ва илм-фан. Чунки технологик тараққиётнинг ортида, аввало, инсон турибди. Инсоннинг билими, салоҳияти ва янгилик яратиш қобилияти эса университетларда шаклланади.

Фарғона давлат техника университети ҳам Корея Республикасининг нуфузли олий таълим муассасалари, илмий марказлари ва юқори технологияли компаниялари билан ҳамкорликни кенгайтириш орқали ана шу жараённинг фаол иштирокчиси бўлишни мақсад қилган. Бизнинг асосий мақсадимиз — талабаларимизга фақат диплом эмас, балки замонавий билим, халқаро тажриба, илмий муҳит ва дунё меҳнат бозорида рақобатлаша оладиган салоҳият беришдир.

Ўзбекистон ва Корея ўртасидаги таълим, илм-фан, инновация ва юқори технологиялар соҳасидаги ҳамкорликнинг бугунги янги босқичи ҳам нафақат университетимиз, балки ёшларимиз ва мамлакатимиз технологик тараққиёти учун янада катта имкониятлар эшигини очмоқда.

Рустам ТОЖИЕВ,
Фарғона давлат техника университети ректори,
техника фанлари доктори,
профессор.

ҲУҚУҚИЙ САБОҚЛАР

МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ



ёҳуд ҳалоллик ва шаффофлик жамоатчилик ишончини таъминлашнинг муҳим омили

Ҳар қандай давлат ва жамият тараққиётида инсон омили муҳим ўрин тутади. Айниқса, давлат органлари ҳамда ташкилотларида фаолият юритаётган ходимларнинг ўз хизмат вазифаларини ҳалол, виждонан, холис ва адолатли бажариши жамиятда қонун устуворлигини ҳамда фуқароларнинг давлат институтларига бўлган ишончини мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этади.

Бугунги кунда коррупцияга қарши курашиш фақат содир этилган ҳуқуқбузарликларни фош қилиш ва айбдор шахсларга нисбатан жавобгарлик чораларини кўриш билангина чекланиб қолмаяпти. Замонавий ёндашув, аввало, коррупциявий хавфларни олдиндан баҳолаш, уларни келтириб чиқараётган омилларни бартараф этиш ва профилактик механизмларни кучайтиришни тақозо этмоқда.

Шундай коррупциявий хавфлардан бири манфаатлар тўқнашувидир.

Манфаатлар тўқнашуви — жамият ҳаётида бир қарашда кўзга ташланмайдиган, аммо жиддий салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлардан бири. У кундалик иш жараёнида, муайян қарорларни қабул қилишда, хизмат вазифасини бажаришда ёки муайян масалани кўриб чиқишда юзага келиши эҳтимолдан холи эмас.

Шу боис мазкур тушунчанинг асл мазмун-моҳиятини ҳар бир ходим, айниқса, қарор қабул қилиш ваколатига эга мансабдор шахслар чуқур англаб етиши зарур.

“МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ” НИМА ДЕГАНИ?

Оддий қилиб айтганда, “манфаатлар тўқнашуви” шахснинг шахсий манфаатлари билан унинг хизмат вазифалари ўртасида зиддият келиб чиқиши ёки бундай зиддият пайдо бўлиш эҳтимоли мавжуд бўлган ҳолатдир.

Бунда шахсий манфаат деганда фақат нақд пул ёки моддий фойдани тушунмаслик лозим. Шахсий манфаат турли кўринишларда намоён бўлиши мумкин.

Масалан, ходимнинг қариндоши, яқин таниши ёки дўстига имтиёз яратиб бериши, муайян ташкилот ёки тадбиркорнинг манфаатини илгари суриши, ўзининг мулкий ёхуд молиявий манфаатларини ҳимоя қилиши, хизмат ваколатидан фойдаланган ҳолда яқинига алоҳида ёрдам кўрсатиши ҳам шахсий манфаат билан бевосита боғлиқ ҳолатлар сирасига киради.

Бу ўриндаги энг муҳим жиҳат шундаки, манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлиши учун, албатта, коррупциявий ҳуқуқбузарлик содир этилиши шарт эмас.

Яъни, ходим ҳали ҳеч қандай қонунбузарликка йўл қўймаган бўлиши мумкин. Бироқ унинг шахсий манфаати хизмат вазифасига ёки қарор қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатиш хавфини туғдирган вазиятнинг ўзиёқ тегишли эътибор ва назоратни талаб этади.

ОДДИЙ МИСОЛ, АММО МУҲИМ ХУЛОСА

Тасаввур қилайлик, ташкилотда муайян хизматни кўрсатиш ёки товар харид қилиш бўйича танлов ўтказилмоқда. Танлов комиссияси таркибидаги ходимлардан бирининг яқин қариндошига тегишли корхона ҳам мазкур танловда иштирок этяпти.

Бу ҳолатда ходим қариндошининг корхонасига атайлаб устунлик бермаган тақдирда ҳам, унинг танлов комиссияси ишида қатнашиши қарорнинг холислиги нуқтаи назаридан ҳақли саволларни туғдиради.

Энг тўғри йўл ходимнинг бундай эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви ҳақида ўз вақтида хабар бериши ҳамда мазкур масалани кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш жараёнидан ўзини четлатишидир.

Бу ердаги бош тамойил муаммони яшириш эмас, балки уни барвақт аниқлашдан иборат.

Чунки манфаатлар тўқнашуви қанчалик эрта ошкор қилинса, уни бартараф этиш ва салбий оқибатларнинг олдини олиш шунчалик осон кечади.

МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ КЎПРОҚ ҚАЙСИ СОҲАЛАРДА УЧРАЙДИ?

Манфаатлар тўқнашуви ҳар қандай соҳада юзага келиши мумкин, бироқ айрим фаолият йўналишларида унинг коррупциявий хавфи анча юқори бўлади.

Жумладан:

давлат харидлари ва тендер жараёнларида;

кадрларни ишга қабул қилиш ва лавозимга тайинлашда;

хизмат кўрсатиш ҳамда хўжалик шартномаларини тузишда;

молиявий маблағларни тақсимлашда;

лицензия, рухсатнома ва бошқа маъмурий тусдаги ҳужжатларни беришда;

назорат ва текширув фаолиятини амалга оширишда;

моддий бойликларни тақсимлашда;

давлат ёки ташкилот мулкидан фойдаланишда;

ходимларни рағбатлантириш ва мукофотлаш масалаларида;

хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда муайян шахс ёки тузилмага ноқонуний устунлик беришда.

Шунинг учун ташкилотларда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш жараёнида манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва бартараф этишга устувор аҳамият қаратиш зарур.

НЕГА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ ХАВФЛИ?

Бир қарашда манфаатлар тўқнашуви оддий хизмат масаласидек кўриниши мумкин. Бироқ уни назоратсиз қолдириш қатор жиддий салбий оқибатларни келтириб чиқаради:

биринчидан, қабул қилинаётган қарорларнинг холислиги ва адолат мезонлари бузилади;

иккинчидан, ташкилотнинг молиявий ёки моддий ресурсларидан самарасиз ва мақсадсиз фойдаланиш хавфи юзага келади;

учинчидан, айрим шахсларга асоссиз имтиёз ва устунликлар яратиб берилади;

тўртинчидан, манфаатлар тўқнашуви коррупциявий жиноятларга йўл очувчи тўғридан-тўғри омилга айланади;

энг муҳими, фуқаролар ва жамоатчиликнинг ташкилотга бўлган ишончига жиддий путур етади.

Агар давлат органи ёки ташкилотда қарорлар шахсий алоқалар, ошна-оғайнигарчилик ёхуд бошқа субъектив манфаатлар асосида қабул қилинаётгани ҳақида тасаввур шаклланса, бу тузилманинг жамият олдидаги обрў-эътиборини кескин туширib юборади.

БУ ҲАЛИ — КОРРУПЦИЯ ДЕГАНИ ЭМАС!

Бу масалада яна бир муҳим жиҳатга ойдинлик киритиш лозим: манфаатлар тўқнашувининг юзага келиши автоматик тарзда коррупциявий жиноят содир этилганини англатмайди.

Масалан, ходимнинг қариндоши муайян соҳада ишлаши ёки хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиши мумкин. Бу ҳолатнинг ўзи ҳуқуқбузарлик ҳисобланмайди.

Муаммо қачонки ходимнинг шахсий манфаатлари унинг хизмат вазифалари доирасидаги қарорларига таъсир кўрсата бошлаганда юзага келади.

Шу сабабли асосий вазифа — бундай ҳолатларни тўғри баҳолаш ва зарур чораларни кўришдир.

Айрим ҳолатларда ходимлар: “Мен ҳеч қандай қонунбузарлик қилмадим-ку”, деган хато фикр билан мавжуд манфаатлар тўқнашуви ҳақида раҳбариятга хабар бермайди.

Аслида, бундай ҳолат тўғрисида хабар бериш ходимнинг ўз айбини тан олиши эмас, балки унинг касбий масъулияти ва ҳалоллигидан далолат беради.

Ходим: “Менда манфаатлар тўқнашуви эҳтимоли бор, шу боис масалани холис ҳал этиш учун бу ҳақда тегишли тартибда маълум қиламан”, дея ёндашса, бу ташкилотдаги коррупциявий хавфларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Аксинча, манфаатлар тўқнашувини яшириш кейинчалик бевосита жавобгарликка ва жиддий эътирозларга сабаб бўлиши мумкин.

РАҲБАРНИНГ МАСЪУЛИЯТИ НИМАДАН ИБОРАТ?

Манфаатлар тўқнашувини бошқариш фақат оддий ходим зиммасидаги мажбурият эмас, бунда раҳбарнинг ўрни ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Раҳбар қуйидагиларга масъул бўлмоғи шарт:

– ходимлар ўртасида хизмат вазифаларини тўғри тақсимлаш;

– манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлган ҳолатларни ўз вақтида аниқлаш;

– манфаатдор ходимнинг қарор қабул қилиш жараёнидаги иштирокини чеклаш (жараёндан четлатиш);

– ташкилотда ички назорат механизмларини такомиллаштириш;

– ходимларнинг мурожаат ва хабарномаларига холис ёндашиш;

– жамоада ҳалоллик ва очиқлик муҳитини қарор топтириш.

Аксинча, раҳбар томонидан бу масалага бефарқ муносабатда бўлиш эса муассасада тизимли коррупциявий хавфларнинг ортишига йўл очади.

ХОДИМ НИМАЛАРНИ БИЛИШИ КЕРАК?

Ҳар бир ходим ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида шахсий манфаатлари билан хизмат ваколати ўртасида зиддият келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан идрок этиши шарт. Бундай вазиятда ягона тўғри ҳаракат — ҳолатни яширмай, белгиланган тартибда расман хабар беришдир.

Ходим муайян қарор қабул қилишдан олдин ўзига қуйидаги саволларни бериши лозим:

Менинг шахсий манфаатим мазкур қарорга таъсир кўрсатмаяптими?

Ушбу қарор менга, яқинларимга ёки мен билан алоқадор шахсларга тўғридан-тўғри ёхуд билвосита наф келтириши мумкинми?

Агар бу ҳолат жамоатчиликка ошкор бўлса, қароримнинг холислиги ва адолатлилигига шубҳа пайдо бўлмайдими?

Агар ушбу саволлардан бирортасига жавоб ижобий бўлса, вазиятни очиқ билдириш ва масала муҳокамасидан ўзини четга олиш энг мақбул ечимдир.

“ТАНИШ-БИЛИШЧИЛИК” МАСАЛАСИ

Манфаатлар тўқнашуви ҳақида фикр юритганда, жамиятимизда учраб турадиган таниш-билишчилик иллатига тўхталмай илож йўқ.

Кимгадир “танишим”, “қариндошим” ёки “дўстим” деган важ билан хизмат ваколатидан фойдаланиб кўмаклашиш, навбатларни сунъий бузиш, устунликлар яратиб бериш ёки қарорларни унинг фойдасига қабул қилиш адолат ва касбий одоб тамойилларига мутлақо зиддир.

Ташкилот фаолиятида ҳар доим шахсий муносабатлардан кўра қонун талаблари, белгиланган тартиб-қоидалар ва давлат манфаати устувор бўлиши шарт. Зеро, бир шахсга ноқонуний берилган имтиёз бошқа бир инсоннинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари поймол этилишига олиб келади.

ПРОФИЛАКТИКА — ЭНГ САМАРАЛИ ЧОРА

Коррупцияга қарши курашишда энг мақбул йўл ҳуқуқбузарлик содир бўлишини кутиб ўтирмасдан, унинг олдини олишдир. Шу боис ташкилотларда манфаатлар тўқнашувини бошқаришнинг аниқ тизими йўлга қўйилиши лозим.

Ушбу тизим қуйидаги изчил босқичларни ўз ичига олади:

аниқлаш → хабар бериш → баҳолаш → чора кўриш → назорат қилиш.

Шу билан бирга, ходимларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириб бориш, коррупциявий хавфлар бўйича мунтазам тушунтириш ишларини олиб бориш, ички идоравий ҳужжатларни такомиллаштириш ва учраётган ҳолатларни чуқур таҳлил қилиш юқори самара беради.

РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Замонавий рақамли даврда манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва олдини олишда ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш зарур.

Электрон декларация тизими, автоматлаштирилган назорат, ахборот базаларининг ўзаро интеграцияси ва электрон ҳужжат айланиши қарор қабул қилиш жараёнларидаги субъектив инсон омилини кескин камайтиради.

Бироқ рақамлаштиришнинг ёлғиз ўзи муаммони тўлиқ ҳал эта олмайди. Технологик ечимлар билан бир қаторда ходимларнинг юксак ҳуқуқий онги, касбий этикаси ва шахсий масъулияти мустаҳкам бўлиши талаб этилади.

ҲАЛОЛЛИК — ШАХСИЙ ТАНЛОВДАН ЖАМОАТЧИЛИК ҚАДРИЯТИ САРИ

Манфаатлар тўқнашувига қарши курашиш фақат қонун нормаларини расмиятчилик учун бажариш эмас. Бу, аввало, ҳар бир инсоннинг ўз хизмат вазифасига, касбига ва Ватанига бўлган виждоний муносабатидир.

Ҳалол ходим фаолиятида “Менга бундан нима фойда?” деган қараш эмас, балки “Ташкилот ва жамият равнақи учун қайси қарор тўғри?” деган тамойил бош мезон бўлиши керак.

Бундай ёндашув ташкилотда соғлом ва ишчан муҳитни шакллантиради, жамоада ўзаро ишончни мустаҳкамлайди ҳамда тизимли коррупция хавфларини бартараф этади.

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ — МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОН

Манфаатлар тўқнашувининг олдини олишда фуқаролик жамияти институти ва жамоатчилик назорати беқиёс кучга эга.

Очиқлик ва шаффофлик даражаси қанчалик юқори бўлса, қарорларнинг адолатли қабул қилиниши устидан жамоатчилик назорати ҳам шунчалик самарали бўлади.

Фуқароларнинг давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига бефарқ бўлмай, қонун бузилиши ёки манфаатлар тўқнашуви ҳолатларига дуч келганда фаол фуқаролик позициясини намоён этиши очиқ ва ишончли мулоқотни мустаҳкамлайди.

* * *

Манфаатлар тўқнашуви — бу фақат айрим ходимлар ёки муайян ташкилот доирасидаги тор масала эмас. Уни самарали бошқариш бутун давлат аппаратининг иш унумдорлиги, қонун устуворлиги, ташкилотлар фаолиятининг шаффофлиги ва энг асосийси, фуқароларнинг давлатга бўлган ишончи билан узвий боғлиқдир.

Манфаатлар тўқнашуви ўз вақтида аниқланса, унинг хавфли оқибатларини тўлиқ бартараф этиш мумкин. Бош мақсад — бундай ҳолатларни яшириш эмас, балки уларни очиқ тан олиш, холис баҳолаш ва белгиланган тартибда бартараф этиш маданиятини шакллантиришдир.

Ҳар бир ходим ўз хизмат ваколатларини амалга оширишда шахсий манфаатларини четга суриб, аввало, қонун ва давлат манфаатини ҳар нарсадан устун қўйиши зарур.

Зеро, ҳалоллик шунчаки шахсий фазилат эмас, балки жамият тараққиёти ва давлат қудратини таъминловчи энг улуғ қадриятдир.

Ҳалоллик бор жойда ишонч бўлади.

Шаффофлик бор жойда адолат бор.


Адолат бор жойда эса муқаррар тараққиёт мавжуддир.

Алишер АГЗАМОВ,
“UzGasTrade” АЖ бошқаруви раиси.

ХОРИЖ

БОЛТИҚ ДЕНГИЗИ ТУБИГА 45 МИНГ ТОННА ТОШ ЁТҚИЗИЛМОҚДА

Польша соҳиллари яқинида барпо этилаётган “Bałtyk 2” ва “Bałtyk 3” офшор шамол электр станциялари қурилишида рекорд кўрсаткич қайд этилди. “Boskalis” компаниясига қарашли “Windpiper” махсус кемаси Норвегиядан қарийб 45 минг тонна тош олиб келиб, сув остига жойлаштириш ишларини бошлади.



Бу улкан тош қатлами сунъий орол учун эмас, балки шамол электр станцияларининг денгиз тубидан ўтказиладиган юқори кучланишли электр кабелларини ташқи шикастланиш ва силжишлардан сақлаш учун мўлжалланган.

Эътиборни тортадиган жиҳати шундаки, максимал юк кўтариш қуввати 45,5 минг тоннани ташкил этувчи “Windpiper” кемаси Норвегия портига кириб, бортига бир вақтнинг ўзида қарийб 45 минг тонна тошни юклаган. “Boskalis” маълумотига кўра, аввал бирорта ҳам шундай кема бир мартада бунча кўп тошни бортига ортмаган.

АҚШ ИЛК БОР КОСМИК ҚУРОЛГА ЭГАЛИГИНИ ТАСДИҚЛАДИ

АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари котиби Трой Мейнк Вашингтон орбитага қурол жойлаштирганини расман маълум қилди. Ушбу қурол фазовий назорат ва тийиб туриш мақсадида қўлланиб, мамлакат қўшинлари ёки сунъий йўлдошларига таҳдид солувчи душман аппаратларини йўқ қилиш имкониятига эга.



Мазкур қадам АҚШ кўп йиллардан бери Россия ва Хитойнинг орбитал таҳдидларидан хавотир билдириб келаётган бир пайтда очиқланди. Бундан ташқари, Вашингтон тўрт босқичли (биттаси космик, учтаси қуруқликдаги) “Олтин гумбаз” ракетага қарши мудофаа тизимини яратиш устида ҳам иш олиб бормоқда.

ВЕСТМИНСТЕР ДАВРИ ТУГАДИМИ?

Шотландия, Уэлс ва Шимолий Ирландия етакчилари Кардиффда учрашиб, Буюк Британия таркибидан чиқиш ва ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи бўйича яқиндан ҳамкорлик қилиш келишувини имзолади.



Етакчилар расмий Лондонни (“Вестминстер тизими”) чекка ҳудудлар манфаатларини менсимай қўйганликда ва бюджет маблағларини адолатсиз тақсимлаётганликда айбламоқда. Гарчи Буюк Британия ҳукумати иттифоқ яхлитлиги сақланишини ва янги референдумларга рухсат берилмаслигини билдирган бўлса-да, маҳаллий раҳбарлар ягона фронт сифатида мустақиллик кун тартибини илгари суришда давом этишини таъкидлашмоқда.

ОММАВИЙ ЮГУРИШ МУСОБАҚАСИ ФОЖИА БИЛАН ЯКУНЛАНДИ

Англияда 63 минг нафар спортсевар иштирокида бўлиб ўтган 45-анъанавий “Great North Run” ярим марафони чоғида икки нафар 25 ёшли йигит тўсатдан вафот этди.



Ньюкаслдан Саут-Шилдсгача бўлган масофада югуриш вақтида спортчиларнинг аҳволи бирдан оғирлашган ва воқеа жойидаги шифокорларнинг уринишларига қарамай, уларнинг ҳаётини сақлаб қолишнинг имкони бўлмаган. Ҳозирда ушбу спортчиларнинг ўлими сабабларини аниқлаш мақсадида тиббий экспертиза олиб борилмоқда.

ТРАМП СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ РИВОЖИНИ ЧЕКЛАШГА ҚАРШИ ЧИҚДИ

Дональд Трамп сунъий интеллектнинг ривожланиш суръатини секинлаштириш ҳақидаги соҳа раҳбарларининг чақириқларини кескин рад этди.



Президентнинг фикрича, бу борадаги ҳар қандай танаффус АҚШнинг устунлигини йўқотишига ва асосий рақобатчи бўлган Хитойнинг олдинга чиқиб олишига хизмат қилади.

Аввалроқ “Anthropic”, “OpenAI” ва “xAI” каби йирик гигантлар СИ хавфсизлигини таъминлаш учун тартибга солувчи режаларни таклиф қилиб, технологиянинг инсониятга эҳтимолий таҳдидларидан огоҳлантирган эди. Бироқ Трамп СИ устидан энг яхши назорат айнан кучли маъмурият эканини таъкидлаб, ривожланишни тўхтатмасликка чақирди.

КАНАДА АҚШДАН ЮЗ ЎГИРИБ, ЕВРОПА ИТТИФОҚИГА ЮЗЛАНМОҚДА

АҚШ билан савдо уруши кучайиб бораётган бир пайтда Канада бош вазири Марк Карни Европа Иттифоқи билан мисли кўрилмаган даражада яқинлашиш ниятида эканини билдирди.



Карни Канада ЕИга тўлақонли аъзо бўлмаса-да, “ассоциацияланган аъзолик” ёки ресурсларга асосланган ноёб стратегик альянс шакллантириш бўйича музокаралар олиб борилаётганини маълум қилди. Ушбу яқинлашув АҚШ томонидан жорий этилган 50 фоизлик тариф чекловларига жавобан юз бермоқда ва расмий Оттава энергия ҳамда хомашё захиралари орқали Европа бозорида мустаҳкам ўрин эгаллашни мақсад қилган.

Интернет материаллари асосида
Зокиржон АЛИБЕКОВ тайёрлади.

E‘LON

Toshkent shahar, Shayxontohur tumani, Beltepa mavzesi, 24-DEJ-uy, 4-xonadon Davlat mulk qo`mitasining 2009-yil 12-noyabrdagi 15-05/2501 P-133506-sonli davlat dalolatnomasiga asosan fuqaro Azimov Botir Mag`rupovich nomiga berilgan uyga egalik qilish huquqini beruvchi kadastr hujjati, ya`ni davlat orderi yo`qolganligi sababli

BEKOR QILINADI.

СИЙРАТ

УМРНИНГ МАЪРИФАТЛИ МАНЗИЛЛАРИ

Таниқли фольклоршунос олим, профессор Умурзоқ ЖУМАНАЗАРОВнинг илм-фан ва таълим соҳасидаги самарали фаолияти ҳақида

Олимнинг ҳаёт йўлини саналар, лавозимлар ва илмий унвонлар орқали тавсифлаш мумкин. Бироқ бундай маълумотлар унинг илм-фан тараққиётидаги ҳақиқий ўрнини тўлиқ очиб бермайди. Олим шахсиятининг маънавий-интеллектуал миқёси, аввало, у илмий муаммони қай даражада теран англагани, мавжуд билимларга қандай назарий мазмун қўшгани ва кейинги тадқиқотлар учун қайси йўналишларни белгилаб берганида намоён бўлади. Шу боис олим умрининг қиммати илмий тафаккурда қолдирган маърифий изи билан ҳам ўлчанади. Шундай бўлса-да, устознинг умр ва меҳнат, тинимсиз изланишлар йўли ҳақида мухтасар тўхталиб ўтсак.



Умурзоқ Абдураззоқович Жуманазаров 1956 йили Самарқанд вилоятининг Булунғур туманида (ҳозирги Жиззах вилояти Бахмал тумани) Лойқа қишлоғида ишчи-хизматчи оиласида туғилди. 6-ўрта мактабни (1963-1973) битиргач, Садриддин Айний номидаги Самарқанд давлат педагогика институтида (1973-1977) таҳсил олди.

У Самарқанд давлат педагогика институтида ўзининг илмий-педагогик фаолиятини 1977 йилдан бошлади. Сўнгра ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги (собиқ А.С.Пушкин) Тил ва адабиёт институтининг фольклор бўлимида лаборант ва илмий ходим вазифаларида ишлади.

Умурзоқ Жуманазаров 1984 йилдан ҳозирги вақтгача Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институтида катта ўқитувчи, доцент, профессор, бошланғич таълим услубияти факультетининг декани ўринбосари, бошланғич таълим методикаси, бошланғич таълим тил ва адабиёти, бошланғич таълим назарияси ва амалиёти кафедраларининг мудири, ўзбек тили ва адабиёти факультети декани лавозимларда ишлади. Айни пайтда бошланғич таълим назарияси ва амалиёти кафедраси профессори лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Булунғур достончилик мактабининг эпик анъаналари гуллаб-яшнаган ҳудудда туғилиб, халқ ижодиётига меҳр қўйиб улғайган олим Ўзбекистон фан арбоби, йирик фольклоршунос олим, академик Тўра Мирзаев илмий раҳбарлиги ва маслаҳатчилигида “Ўзбек халқ тарихий қўшиқлари (спецификаси, таснифи ва поэтикаси)” мавзусидаги номзодлик диссертациясини 26 ёшида, “Ўзбек тарихий фольклорининг жанрлари состави ва уларнинг ғоявий-бадиий хусусиятлари” мавзуидаги докторлик диссертациясини 35 ёшида ҳимоя қилди. Ўзининг фольклоршунослик соҳасидаги изчил тадқиқотларини олий таълимдаги фаолияти билан қўшиб олиб борган олим 1986 йилда доцентлик, 1993 йилда профессорлик илмий унвонларини олишга муваффақ бўлди.

Истеъдодли фольклоршунос олим сифатида танилган У.Жуманазаров ҳозирга қадар 16 та монография, 21 та ўқув қўлланма, 26 та услубий қўлланма ва 350 дан ортиқ илмий ва илмий-назарий, услубий ҳамда оммабоп мақолаларини эълон қилганлиги ҳам унинг ғоятда меҳнаткаш ва сермаҳсул ижодкор эканлигидан далолат беради. У ўзбек фольклорида тарихий қўшиқ жанрининг генезиси, структурал типлари ва таснифи, халқ бахшилари репертуарига таъсири, ғоявий-эстетик вазифа бадииятини ўрганишга доир фундаментал тадқиқотлари билан ҳаётий воқелик ва тарихий ҳақиқатнинг халқ ижодиётида поэтик акс этишини ёритишга катта ҳисса қўшди. Олимнинг “Жанговар йиллар поэзияси”, “Даъваткор халқ шеърияти”, “Жасорат ва садоқат талқини”, “Ўзбек халқ тарихий қўшиқлари” (рус тилида), “Қўшиқ: тарих ва ижод”, “Тарих ва халқ ижодиёти бадиияти” каби илмий монографияларида ўзбек халқ тарихий қўшиқларининг жанрий табиати, воқеликни бадиий акс эттириш тарзи ва поэтикаси масалалари атрофлича таҳлил қилинган. Олим қадимги туркий ёзма манбалардаги фольклор материалларини қиёсий тадқиқ этиш асносида тарихий қўшиқ жанрининг шаклланиши ва бадиий эволюцияси жараёнларини белгилашга ҳам муносиб ҳисса қўшган. Унинг бу йўналишидаги амалга оширган илмий изланишларининг асосий назарий умумлашмалари “Ўзбек фольклори очерклари” уч жилдлигининг 1988 йилда чоп этилган биринчи жилдида ўз ифодасини топган. Олимнинг ўзбек халқ қаҳрамонлик қўшиқлари, достон ва тарихий қўшиқларининг қадимий алоқалари, анъанавий халқ тарихий қўшиқларининг бадиияти, вариантлари ҳамда тарқалишига оид мақолалари ўзбек халқ қўшиқларининг ўрганилишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Ўзбек фольклоршунослигида ўтмишдаги реал тарихий воқеликни тасвирлаш характери ва моҳияти жиҳатидан тарихий-қаҳрамонлик, тарихий-фантастик, тарихий конкрет ва автобиографик достонларга бўлиб таснифланадиган ўзбек халқ тарихий эпоси бўйича йирик тадқиқотлардан бири ҳам У.Жуманазаров томонидан яратилган. У ўзининг “Ўзбек фольклори ва тарихий воқелик”, “Халқ тарихи саҳифаларини варақлаганда”, “Эл суйган бахшининг эпик олами” сингари монографиялари ҳамда “Тарихий достон ва тарихий қўшиқ муносабатларига доир”, “Достон ва тарихий воқелик”, “Тарихий эпоснинг турлари ва ҳозирги аҳволи”, “Халқ эпосининг тарихийлиги ва тарихий эпос масаласи”, “Ойсулув” – соф тарихий достон”, “Тарихий достонлар” каби илмий-назарий мақолаларида тарихий достонларнинг жанрий мансубиятини белгиловчи асосий мезонлар, тарихий эпоснинг таснифи ва тадрижий ривожи босқичлари, халқ бахшилари репертуарида тутган ўрни ва поэтикаси масалаларини кенг кўламда ўрганди.

Фольклоршунос олимнинг илмий фаолиятида ўзбек халқ насрининг қадимий жанрлари – афсона ва ривоятларни тўплаб, тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилган. Айниқса, афсона ва ривоят жанрларининг ўзига хос ҳамда фарқланувчи хоссаларини белгилашда олимнинг илмий концепциялари муҳим аҳамият касб этади. У қадимий мифологик тасаввурларнинг фольклорга таъсири, тарихий афсона ва ривоятларнинг юзага келиш манбалари, этнонимик ривоятларда этник жараёнларнинг акс этиши, реал тарихий сиймолар образининг халқ насридаги бадиий талқинига оид бир неча монографиялар эълон қилди. Ўзининг оғзаки наср жанрларининг тарихийлиги масаласига доир илмий қарашларини “Тарих, афсона ва дин”, “Халқ прозаси ва ижтимоий ҳаёт”, “Топонимика ва халқ прозаси” каби ўнга яқин фундаментал тадқиқотларида умумлаштирган. У.Жуманазаров тарихий қўшиқ, достон, ривоят ва афсоналарни тадқиқ этишни давом эттириб, ўзбек халқ тарихий фольклор жанрларининг генезиси ва бадиий ривожи қонуниятларини очишга хизмат қиладиган жиддий назарий масалаларни ўртага ташлади. Олимнинг амалга оширган илмий тадқиқот ишлари ўзбек фольклоршунослигида мавжуд материалларга янгича баҳо берилганлиги, уларни яхлит бир тизим асосида таҳлил қилинганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Уларга достон, ривоят, тарихий қўшиқ жанрлари таркибидаги ва уларнинг жанрий бир тури бўлган тарихий фольклор намуналари жалб этилган бўлиб, ўша жанрлар доирасидаги жанрий ўзига хосликларни ёритишга алоҳида эътибор берилган.

У.Жуманазаров илмий ишлар билан биргаликда ўзи хизмат қилган олий ўқув юртининг талабаларида янгича фикрлаш ва илмий дунёқарашни шакллантириш, билимларнинг эзгуликка хизмат қилиши тамойилларини сингдиришга, улар учун мустақил ишлашга назарий маълумотлар берувчи 30 дан ортиқ дарслик ва услубий қўлланмаларни яратишга асосий эътиборини қаратиб келмоқда. “Ўзбек болалар адабиёти”, “Она тили”, “Болалар адабиёти ва фольклор”, “Жаҳон халқлари адабиёти”, “Туркий халқлар адабиёти”, “Халқ педагогикаси ва халқ донолиги”, “Адабиёт ва фольклорнинг педагогикага уйғунлиги”, “Бошланғич синфларда дидактик ўйинли машғулотларни уюштириш”, “Она тили фанини ўқитишда инновацион-педагогик технологиялар”, “Халқ достонлари тилида лингвомаданий бирликлар”, “Бахшичилик санъати ва достончилик мактаблари”, “Анъанавий термалар”, “Дўмбира – бахшилар сози” каби қўлланмалар шулар жумласидандир.

У.Жуманазаров 2 та халқаро журнал, 1 та республика илмий журналларининг таҳрир ҳайъати аъзоси.

2021-2022 йилларда У.Жуманазаровнинг ҳаммуаллифликдаги “Туркий халқлар адабиёти” монографик тадқиқоти Туркия ва Германия мамлакатларида нашр этилди. Шунингдек, ўндан ортиқ илмий-назарий мақолалари хорижий журналларда эълон қилинди.

У.Жуманазаров ёш кадрларни тайёрлаш соҳасида 1 нафар фан доктори (DsC), 5 нафар фан номзоди, 2 нафар филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)га илмий раҳбарлик қилди. 12 та докторлик, 23 та номзодлик ва филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясига расмий ҳакамлик қилди.

Янги Ўзбекистон бунёдкорлари бўлган етук ва баркамол авлодни шакллантириш йўлидаги катта хизматлари, фарзандларимизни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашдаги ибратли фаолияти ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун мамлакатимиз раҳбарининг 2023 йил 28 сентябрдаги Фармони билан У.Жуманазаров II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан мукофотланган.

Профессор Умурзоқ Жуманазаровнинг илмий ижоди ўзбек фольклоршунослигининг муҳим йўналишларидан бири — тарихий қўшиқлар ва тарихий фольклор жанрларини ўрганиш билан узвий боғлиқ. Олимнинг тадқиқотларида фольклор халқнинг тарихий тажрибаси, ижтимоий кечинмалари, қадриятлари ва воқеликка муносабатини мужассам этувчи маданий ҳодиса сифатида намоён бўлади. Бундай ёндашув фольклоршунослик фақат бадиий шакллар таҳлили билан чекламай, уни тарихий хотира, жамоавий тафаккур ва миллий ўзлик муаммолари билан боғлиқ ҳолда тушуниш имконини беради.

Профессорнинг тарихий фольклор жанрлари, уларнинг поэтикаси ва ғоявий-бадиий хусусиятларига доир изланишлари халқ оғзаки ижодининг ижтимоий-маънавий вазифаларини очишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Фольклорда тарихий воқеанинг халқ тафаккурида қандай қабул қилингани, маънолантирилгани ва авлодлар хотирасига қандай кириб боргани акс этади. Шу жиҳатдан профессор Умурзоқ Жуманазаровнинг илмий меросини тарихий хотира, миллий ўзлик ва бадиий талқин ўртасидаги ўзаро боғлиқлик асосида баҳолаш мақсадга мувофиқдир.

Тарихий хотира — инсон ва жамиятнинг ўз ўтмиши билан алоқасини таъминловчи мураккаб ижтимоий-маданий ҳодиса. Ўтмишда содир бўлган воқеалар ўз-ўзидан жамоавий хотирага айланиб қолмайди. Улар муайян ижтимоий муҳитда англанади, сараланади, баҳоланади ва турли рамзий шакллар орқали авлодларга узатилади. Тарихшунослик воқеаларни ҳужжатлар, далиллар, сабаб ва оқибатлар тизимида қайта тиклашга интилади. Фольклор эса тарихий воқеанинг халқ тафаккури ва ҳиссиётидаги аксини, унинг ижтимоий-маънавий талқинини сақлайди. Шу сабабли тарихий фольклорга тарихий манбанинг оддий муқобили деб қараш тўғри бўлмайди. У фактни айнан такрорламайди, аксинча, воқеани халқнинг қадриятлари, орзу-умидлари, изтироблари ва ижтимоий баҳолари асосида қайта маънолантиради. Фольклор матнида тарихий ҳодисанинг барча тафсилотлари сақланмаслиги мумкин, аммо жамоа онги учун муҳим бўлган маънавий мазмун, аксиологик баҳо ва ҳиссий муносабат барқарорлашади. Шу маънода тарихий қўшиқни бир вақтнинг ўзида ҳам бадиий асар, ҳам халқнинг воқеага муносабатини ифодаловчи маданий ҳужжат сифатида ўрганиш мумкин.

Умурзоқ Жуманазаровнинг тарихий қўшиқларнинг жанр хусусиятлари ва поэтикасини тадқиқ этиши ана шу мураккаб илмий муаммони англаш эҳтиёжидан келиб чиқади. Тарихий қўшиқнинг бадиий табиатини таҳлил қилиш орқали халқ тафаккури тарихий воқеани қандай қабул қилиши, уни эстетик образга айлантириши ва муайян ғоявий хулосада умумлаштириши очиб берилади. Бу ёндашувда тарихий қўшиқ халқ онгидаги давомий маънавий ҳаёт сифатида талқин этилади. Тарихий воқеа муайян вақт ва маконда содир бўлади. Аммо унинг ижтимоий таъсири, маънавий баҳоси ва рамзий маъноси кейинги даврларда ҳам яшаши мумкин. Қўшиқ, ривоят ёки достон воситасида ўтмиш ҳозирги авлоднинг маданий тажрибасига кириб келади. Бунда фольклор тарихий даврларни механик тарзда боғламайди, балки ўтмиш мазмунини янги авлоднинг маънавий дунёсида қайта фаоллаштиради. Мазкур жараён тарихий хотиранинг бир марта шаклланиб, ўзгармас ҳолда сақланиб қолмаслигини кўрсатади. Ҳар бир авлод ўтмиш меросини ўз даврининг саволлари ва эҳтиёжлари асосида қайта англайди. Фольклор матни ана шу жараёнда ҳам барқарор, ҳам ҳаракатчан хусусият касб этади. Унда тарихий воқеанинг муайян излари сақланади, айни пайтда бу воқеанинг халқ онгидаги талқини турли даврларда янги маънолар билан бойиб бориши мумкин.

Умурзоқ Жуманазаров тадқиқотларида тарихийлик ва бадиийликнинг ўзаро муносабати муҳим методологик аҳамиятга эга. Тарихийлик воқеанинг муайян замон ва ижтимоий шароит билан алоқасини ифодаласа, бадиийлик унинг халқ онгида қайта ишланиши, образ ва рамзлар воситасида умумлаштирилишини таъминлайди. Бу икки жиҳатни бир-биридан ажратиб қўйиш фольклор табиатини бирёқлама тушунишга олиб келади. Тарихий фольклорнинг моҳияти айнан воқелик ва унинг жамоавий-бадиий талқини ўртасидаги муносабатда очилади.

Олим илмий тафаккурининг яна бир муҳим қирраси жанр масаласига муносабатида намоён бўлади. Фольклоршуносликда жанрга кўпинча асарларни шаклий белгиларига кўра таснифлаш воситаси сифатида қаралади. Ҳолбуки, жанрнинг ижтимоий ва билишга доир вазифаси бундан кенгроқдир. У халқнинг муайян воқеликни идрок этиши, баҳолаши ва бадиий ифодалашининг тарихан шаклланган усули ҳисобланади. Тарихий қўшиқ, ривоят, афсона ва достон воқеликни бир хил тарзда акс эттирмайди. Уларнинг ҳар бири тарихий тажрибанинг муайян қиррасини олдинги ўринга чиқаради. Қўшиқда халқнинг ҳиссий муносабати ва ижтимоий кайфияти кучлироқ намоён бўлиши мумкин. Ривоятда воқеанинг сабаблари, оқибатлари ёки ибратли мазмуни устуворлик касб этади. Достонда эса тарихий ҳодиса қаҳрамонлик идеали, халқ тақдири ва кенг эпик умумлашма билан боғланади.

Жанрий таҳлил орқали халқнинг тарихий воқеликни англаш ва маънавий жиҳатдан ўзлаштириш моделлари аниқланади. Бу эса жанрга шаклий белги эмас, балки бадиий тафаккур ва ижтимоий идрок шакли сифатида қарашни тақозо этади.

Умурзоқ Жуманазаровнинг илмий изланишларида алоҳида жанрлар таҳлилидан тарихий фольклорнинг умумий тизимини англаш сари мантиқий ҳаракат кузатилади. Тарихий қўшиқларнинг жанрий ва поэтик табиатини тадқиқ этиш кейинчалик ўзбек тарихий фольклорининг жанрлар таркиби, ички муносабатлари ва ғоявий-бадиий хусусиятларини яхлит тарзда ўрганишга олиб келган. Бу ҳолат бир мавзудан иккинчисига шунчаки ўтиш эмас, балки муайян илмий муаммонинг ички мантиғи бўйича чуқурлашиб бориш намунасидир.

Бугунги глобаллашув ва рақамли коммуникациялар шароитида тарихий хотира ва миллий ўзлик масалалари янги мазмун касб этмоқда. Ахборот оқимларининг кучайиши, маданий образларнинг жадал тарқалиши ва оммавий маданият таъсири халқларнинг ўзига хос маънавий қиёфасини бир хиллаштириш хавфини юзага келтиради. Бундай шароитда миллий ўзликни ташқи рамзлар ёки ҳиссий даъватлар билангина сақлаб бўлмайди. Унинг тарихий, маданий ва маънавий асосларини илмий англаш талаб этилади.

Фольклор ана шу англаш учун муҳим манбалардан биридир. У халқнинг тил бойлиги, образли тафаккури, ахлоқий мезонлари ва тарихий тажрибасини ўзида сақлайди. Бироқ бу мерос замонавий авлод учун ўз-ўзидан тушунарли бўлиб қолмайди. Уни илмий тадқиқ этиш, тарихий контекстини очиш ва бугунги маънавий эҳтиёжлар билан боғлаш зарур.

Рақамли муҳит фольклор намуналарини сақлаш ва тарқатиш учун кенг имконият яратмоқда. Айни пайтда матннинг контекстдан узилган ҳолда тез тарқалиши унинг мазмунини соддалаштириши, тарихий қатламларини хиралаштириши ёки нотўғри талқинларга сабаб бўлиши мумкин. Рақамлаштириш манбани оммалаштиради, аммо унинг маъносини автоматик равишда очиб бермайди. Шу сабабли фундаментал фольклоршунослик тадқиқотларининг аҳамияти камаймайди, аксинча, янги шароитда янада ортади. Профессор Умурзоқ Жуманазаровнинг тарихий фольклорга бағишланган изланишлари шу нуқтаи назардан ҳам долзарбдир.

“Умрнинг маърифатли манзиллари” ифодаси инсон умрига мазмун бағишлаган ғоя ва қадриятларни англатади. Етмиш йиллик умрни баҳолашда “Қанча вазифалар бажарилди?” деган саволдан кўра, “Бу фаолият илм ва жамият тафаккурида қандай маъно қолдирди?” деган савол муҳимроқдир. Профессор Умурзоқ Жуманазаровнинг илмий ижодига нисбатан бу саволга унинг тарихий фольклорни халқнинг жамоавий хотираси, миллий ўзлиги ва маънавий тажрибасининг бадиий ифода шакли сифатида англашга қўшган ҳиссаси орқали жавоб бериш мумкин. Унинг илмий изланишлари хусусий фольклор намунасидан тарихий хотира муаммосига, жанрий таҳлилдан миллий ўзликни англаш масаласига, поэтик хусусиятларни ўрганишдан халқ маънавий тажрибасининг ижтимоий мазмунини очишга олиб боради.

Шу кунларда муборак етмиш ёшини қарши олаётган заҳматкаш устозга мустаҳкам соғлиқ, хотиржамлик, ҳамиша илм ва ижод завқини тилаймиз.

Бахти ОЧИЛОВА,
фалсафа фанлари доктори,
профессор.

СЎЗ ҲАМ ЮРТ ҚИЁФАСИНИ БЕЛГИЛАЙДИ, АММО...

1-6.

Баъзида сўз нотўғри ёзилади, баъзида қўшимча хатога йўл қўйилади, айрим ҳолларда эса жумла мазмунини англаш учун уни қайта-қайта ўқишга тўғри келади. Энг ачинарлиси, реклама учун катта маблағ сарфланиб, профессионал фотограф, дизайнер, видеограф ва маркетинг мутахассиси жалб этилади-ю, тайёр матнни бир марта текшириб берадиган муҳаррир ё бирор саводли одам наҳотки топилмайди?!

Бу фақат реклама берувчининг муаммоси эмас. Чунки реклама шахсий дафтар ёки компаниянинг ички ҳужжати эмас. У жамоат маконида пайдо бўлади: кўчаларда, бинолар пештоқида, савдо нуқталарида, жамоат транспортларида ҳамда ижтимоий тармоқларда минглаб одамларнинг нигоҳига тушади. Шундай экан, ундаги ҳар бир сўз, ҳар бир жумла оммавий тил муҳитининг бир бўлагига айланади. Айниқса, бу масаланинг ёш авлодга таъсирини эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Бола ёки ўқувчи китобда сўзнинг тўғри шаклини кўриб, кўчадаги рекламада унинг хато ёзилган вариантига дуч келса, қайси бирини тўғри деб қабул қилади? Бир қарашда арзимасдек туюлган бундай нуқсонлар аслида тилга бўлган муносабатни шакллантирувчи муҳитнинг бир қисмидир.

Бир марта кўзга ташланган имловий хато, эҳтимол, унутилиб кетар. Аммо айни хато турли баннерлар, пешлавҳалар ва тарғибот материалларида қайта-қайта такрорланаверса, инсон кўзи унга беихтиёр ўрганиб қолади. Кеча хато бўлиб кўринган шакл бугун одатий, эртага эса ҳатто тўғри вариантдек қабул қилиниши мумкин. Демак, масала битта ҳарф, битта тиниш белгиси ёки битта қўшимчанинг нотўғри қўлланганида эмас. Асосий масала — жамиятнинг кўз ўнгида қандай тил муҳитини шакллантириб бораётганимиздадир. Реклама нафақат маҳсулот ёки хизматни тарғиб қилади, у билвосита тил маданиятини ҳам намойиш этади. Шу боис тасвирнинг сифати, дизайннинг мукаммаллиги ва ғоянинг креативлиги қанчалик муҳим бўлса, ундаги сўзнинг тўғри ва саводли ёзилиши ҳам шунчалик аҳамиятлидир.

Бугун реклама яратишда шрифт, ранг, композиция, видео сифати ва визуал эффектларга катта урғу берилмоқда. Аммо баъзан шу пухта ишланган тасвирнинг марказида имловий хатолар ялтираб туради. Миллионлаб сўмлик дизайн, профессионал тасвирга олиш ва қимматбаҳо реклама кампанияси биргина ёки бир нечта нотўғри ёзилган сўз сабабли шубҳа остида қолиши мумкин. Негаки, рекламанинг ташқи кўриниши компаниянинг дидини намоён қилса, ундаги тил унинг савод даражаси ва жамиятга бўлган ҳурматини кўрсатади. Шу боис рекламадаги имловий хатога “Бир ҳарф-ку, нима бўпти?” дея қараш масаланинг жиддийлигини камайтирмайди. Гап биргина ҳарфда эмас, балки оммага тақдим этилаётган матнга, давлат тилига ва энг асосийси, ўқувчига бўлган эҳтиромдадир.

Бу фақат кўчада учраб турадиган тасодифий хатолар ҳақидаги кузатув эмас, балки муаммонинг кўлами расмий мониторинг натижаларида ҳам яққол акс этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси маълумотига кўра, 2025 йилнинг январь-февраль ойларида республика ҳудудларида ташқи ёзувлар, пешлавҳалар, реклама ва бошқа ахборот матнларининг давлат тили ҳамда реклама тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлиги юзасидан 5 818 та мониторинг ўтказилган.

Афсуски, уларнинг 580 тасида, яъни қарийб ҳар ўнинчи ҳолатда давлат тили талабларига номувофиқлик аниқланган. Шундан 210 тасида ташқи реклама-ахборот матнлари бошқа тилларда берилгани ёки имловий ва луғавий хатолар билан жойлаштирилгани қайд этилган. Бу рақамларни шунчаки қуруқ статистика сифатида ўқиб бўлмайди. Чунки ҳар бир рақам ортида жамоат маконида кўзга ташланган, минглаб одамлар ўқийдиган ва кундалик тил муҳитига сингиб бораётган саводсиз матнлар турибди.

Юртимиз, айниқса, шаҳарларимиз қиёфаси фақат осмонўпар бинолар, кенг кўчалар, замонавий фасадлар ёки тунги чироқлар билангина белгиланмайди. Шаҳарнинг ўзига хос маданиятини ундаги майда деталлар: кўча номлари, пешлавҳалар, эълонлар, йўл кўрсаткичлари, реклама баннерлари ва, албатта, уларда битилган сўзлар белгилаб беради. Бир қарашда оддий ёзувдек кўринган пешлавҳа аслида шаҳарнинг жамоатчилик билан тиллашувидир. Унинг қандай ёзилгани, қайси тилда ифодаланган, сўзларнинг имло ва услуб меъёрларига қанчалик мослиги шаҳар маданиятидан дарак беради. Дунёнинг йирик мегаполисларига назар ташласак, уларнинг визуал кўриниши билан бир қаторда, ёзув маданиятига ҳам юксак эътибор қаратилганига гувоҳ бўламиз. Чунки тартибли, тушунарли ва саводли ёзувлар шаҳар муҳитига тартиб-интизом бағишлайди. Аксинча, имловий хатолар, пала-партиш таржималар, маъноси ғализ ёки меъёрларга зид ёзувлар энг замонавий бинонинг тароватига ҳам путур етказади.

Фарангиз АБРУЕВА,
журналист.

ҲАМКАСБ

ИЖОДКОРНИНГ БЕДОР ЎЙЛАРИ

Истеъдодли журналист, Балиқчи тумани “Ғалаба” газетаси муҳаррири, “Дўстлик” ордени соҳибаси Шаҳзода ШАМС (Каримова) ижодига чизгилар

Ўзбекона лутф-у балиқчиликларнинг ўзига хос шеваси билан мулойим гапирувчи, атрофдагиларда ўзи ҳақида яхши таассурот қолдирувчи бу ижодкорни мен қарийб 20 йилдан буён биламан ва ҳайратдаманки, асло ўзгармайди. Яъни Шаҳзода Каримованинг 65 ёшга қараб кетаётганини сезмайсиз, боягидек латофатли. Ва 20 йилдирки, туман газетасини маҳорат ва тадбиркорлик билан бошқариб келмоқда. Ваҳоланки, бугун бутун мамлакатда саноқлигина туман, тармоқ газеталари чиқаётган паллада газетанинг савияси ва мазмунини сақлаган ҳолда, фаолиятини мунтазам юритиш айтишга осон...

Аслида, жамоанинг сабру бардоши, қийинчиликларга чидами асосий бўлса-да, туман ҳокимлигининг саъй-ҳаракати, туман ҳокими Жасурбек Абдураимовнинг маънавият, маърифат, тарғиботга алоҳида эътибор бериши натижаси, дея урғу беради.

Шаҳзода опа ҳаётда, ишда, ижодда курашувчанликни, илм, ўрганиш, изланиш билан натижага эришиш фазилатини, элнинг назарига тушиб, дуосида бўлишни раҳматли падари бузруквори Абдуғаффор Шамсуддиновдан олган. Ўз даврида катта бир хўжаликда раис, агроном бўлиб ишлаган дадаси ўқишдан, билим олишдан тўхтамаган. Ва тўрт фарзандининг ҳам ана шундай бўлишини истаган. Афсуски, у болаларининг ана шундай гўзал лаҳзаларини кўра олмаган. Туну кун даладан бери келмай, ҳосил учун кураш палласида, ғўзага сепилган доридан заҳарланиши оқибатида вафот этган.

“Отасиз улғайиш — фақат йўқотиш эмас, балки эрта улғаишдир.

Мен ҳаётга бошқалардан тезроқ жиддий қарашни ўргандим. Қийинчиликлар олдида сукут сақлашни, қарор қабул қилишда ўзимга таянишни ўргандим.

...Отамнинг овозини 6 ёшимдан кейин эшитмадим, аммо ҳаётимда тўғриликка чорловчи бир ички овоз доимо бор эди. У овоз мени ҳалолликка, сабрга ва масъулиятга ундади. Мен ҳар бир қадамимда отамга муносиб инсон бўлишни ўйладим. У кўрмаса-да, билиб тургандай туюларди...”

Мана шу ибрати Шаҳзода опанинг етук журналист, муҳаррир, раҳбар бўлишида катта омилдир ва бунинг минатдорчилигини у ўзининг яқиндагина чоп этилган “Баҳоримда баҳор бор” номли хотиралар ва ҳикоялар тўплами бўлган иккинчи китобида алоҳида изҳор этган. Айтганча, опа ўзига жуда чиройли тахаллус танлаган. Шаҳзода ШАМС. Қуёш нурлари билан қалбга илиқлик берса, опа қалами билан элнинг назарига тушишни мақсад қилган, десак, муболаға бўлмас. 2022 йили жазм ва журъат қилиб, илк насрий тўпламини – “Қалбимдаги оқ гуллар”ни мухлисларга тақдим этган эди. Навбатдагиси янада ёқимлироқ номланган: “Баҳоримда баҳор бор”.

Ҳамкасбингизнинг ютуғи албатта назарингизда туради. Шу маънода мен ҳам опанинг ушбу китобини варақлаб, ўқиб, анчагина илиқ таассурот олдим.

Унинг номи эса муҳтарама онасининг хотираси учун танлангандек гўё...

Аслида, отадан эрта етим қолган тўрт фарзандни бағрига босиб, уларни оёққа турғазиш учун курашган Махпиратхон она каби икром матонат соҳибаси романларга лойиқ. Ана шу маънода Шаҳзода Каримова онаси хотирасини армон, оғриқ ва албатта, эҳтиром билан ёдга олади:

“Баҳор! Сенга боғлиқ хотираларим хаёлимда ғужғон ўйнайди...

Ўша кезлари китобдан бош кўтармай дарс қилаётган бизларга:

— Келажак сизларники бўлади, — деб дуо қилган онам кўз ўнгимда гавдаланаверади.

Рамазон ойи баҳорда келса, ҳовлимиздаги бодом, ўрик, шафтолилар гуллаганда:

— Гўё жаннат ифорлари оғушида кўз юмсам... — деб кўз ёшларини яширган онам...”

Муаллиф Баҳор тимсолида онасини кўргандек. Чунки баҳорлар қайтади, гуллар очилади, ифорлар атрофга сочилади. Оналар ҳам жисман йўқ бўлса-да, ҳамиша баҳордек бизнинг қалбимизни забт этиб, ҳидини туйгандек бўламиз. Ана шу туйғу Шаҳзода опанинг юрагини тўлдириб, қоғозга тўкилганини ҳис қиласиз.

Шаҳзода Каримова ҳақиқий маънода ватанпарвар. У нафақат қалами билан, балки фаол раҳбар аёл сифатида ҳам ҳамиша вилоят, айниқса, Балиқчи туманининг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётида мунтазам иштирок этади. Юртнинг ҳар бир ютуғидан қалбан қувонади. Ҳиссаси қўшилаётганидан фахрланади. Мана шу ғурур янги китобнинг аввалида “Ватан, сенсиз нетардим мен?” сарлавҳали бадиага замин бўлган бўлса, не ажаб?

“...Йўлдан давом этар экансиз, туман маркази ва бошқа қишлоқларнинг қиёфаси тубдан ўзгарганига гувоҳ бўласиз...

Туман марказида кенг ва равон кўчалар, катта шаҳарлардагидек чиройли миллий ва замонавий архитектура асосида бунёд этилган икки, уч, беш қаватли бинолар кўзга ташланади...”

Шаҳзода опа сўз ила тасвирлаб, сизга Балиқчининг суратини намоён этади. Дарҳақиқат, Андижон вилоятининг йирик туманларидан ҳисобланган, айни пайтда 210 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган Балиқчи туманида азалдан ободлик, бунёдкорлик, гулу гулзорларга иштиёқмандлик баланд. Айниқса, катта йўл бўйларидаги анвойи гулу дарахтлар қўли гул туман аҳлининг шинавандалигидан дарак. Шаҳзода опа мана шу юртнинг бир жонкуяр, Ватанини севувчи фарзанди сифатида бу эҳтиромни ўзининг китобидаги бадиасига жо қилган.

Ушбу китоб менга яна бир ибрат бўлдики, Шаҳзода Каримова садоқатли ва муносиб шогирд сифатида ҳаммамиз учун ардоқли бўлган устоз Назиржон Саидов ҳақида жуда таъсирли ёзган. Андижон журналистика мактабининг дарғаларидан бири, хокисор, бағрикенг, хушфеъл, ҳаммага яхшилик илинувчи Назиржон Саидов ҳақида кўп хотиралар, эсдаликлар ёзилиши керак. Шаҳзода опа бу борада бизга йўл бошлаб берибдиларки, ташаккур, дейман.

Қўлида қалам, қалбида ёзишга истеъдоди бор инсон, албатта, кузатувчан бўлади. Шу билан бирга улар таъсирчан, ҳамдардликка мойил инсонлардир. Шаҳзода опа ҳам бундан мустасно бўлмаган ҳолда, янги китобига фаолияти давомида учратган тақдирларнинг энг юракни қийнаган муаммоларини ҳаётий ҳикоя тарзида олиб чиқишга журъат этган. Чунки ҳар бирида ибрат, хулоса чиқариб, ўзни тузатишга туртки, даъват бор.

Опанинг янги китобидан ўрин олган “Зарба”даги Зебочеҳранинг аянчли хатоси туфайли ўзга тақдирларнинг ҳам аросатда қолгани таъсирли очиб берилган. Ҳикояда “Ҳеч ким билмайди” деб қилинган нотўғри хулоса йиллар ўтиб, ҳақиқат барибир очилиши, очилганда ҳам Яратганнинг назаридан зарра нарса қочиб қутулмаслиги аччиқ аён бўлади.

Худди мана шундай хатони “Эркак боши эгилмасин” ҳикоясида ҳам кузатасиз. Умид ўзининг нуқсонини беркитиш, ҳар қандай йўл билан бўлса-да, фарзандли бўлиш учун тубан йўлни танлайди. Охир-оқибат эса уч аёлнинг тақдири аросатда қолади, туғилган фарзандлар улғайгач эса уни эътиборсиз, хору зор аҳволга ташлаб қўяди, чунки уларни боғловчи ришта нотўғри уланган эди...

“Увол бўлган меҳр” ҳикоясида эса бугунги куннинг энг долзарб мавзуси — оилавий зўравонликнинг қурбонлари кўрсатилади. Шоҳруҳ гарчи отасининг ичувчи, онасини туганмас азоб билан эзувчи ёмон одам эканини кўриб-билиб турса-да, ҳамиша унга бўйсунади, оталик ҳурматини сақлашга уринади. Оқибатда ўзи унинг қўлида қурбон бўлади. Ёш умри бир зумда сўнади.

“Бағритош меҳрибонлар”да ҳам яна ўша оилавий зўравонлик, фақат “меҳрибонлик” ниқоби остида. Башоратхон касал ҳолида тинмай меҳмон кутади, эртадан кечгача тинмайди, якунида эса яна касалхонага тушади.

Шаҳзода опанинг қаҳрамонлари ёнимиздаги, орамиздаги одамлар, сизнинг, бизнинг яқинимиз, қўшнимиз, қариндошимиз. Чунки бугун ана шундай аччиқ қисматлари, фожиали тақдирлари, аросатли ҳаётларида яшаётганлар қанчалаб топилади... Китобнинг “Турмуш чорраҳаларида” руknидаги Маҳмуд ва Дилабзо, Фарида, Султон, Имрон ва бир қатор образлар борки, нозик туйғулари исканжасида хатолар қилади. Бу хатолар эса бошқа тақдирларга таъсир қилади. Инсонгарчилик шу, хатоларсиз, туйғуларсиз, муҳаббатсиз, ришталарсиз яшаб бўлмайди. Бу муносабатларнинг аксари сизу биз айтгандек, орзу қилгандек бўлавермайди. Шаҳзода ШАМС ўз китоби орқали мана шуни айтишни уддалаган.

Тўғри, адабиёт талаби нуқтаи назаридан китобдаги аксар ҳикоя ва бадиаларни зўр, камчилик-нуқсондан холи, дейиш фикридан йироқмиз. Ижодкор ҳам кўнгил қули, туйғулар силсиласида ҳаммасини ўқувчи кутгандек ёзолмаслиги бор гап. Аммо қаҳрамонларни гавдалантира олгани – катта ютуғи.

Мухтасар айтганда, Шаҳзода ШАМСни иккинчи китоби билан қутлаймиз, ёза олгани, китоб қилиб чиқариб, озми-кўпми мухлисларга тортиқ қилгани учун ташаккур! Чунки бугун китоб ўқувчиларни кўпайтириш борасида давлат миқёсидаги саъй-ҳаракатларга бу ҳам яхшигина ҳисса. Қолаверса, ижод сандиғи тўла бормоқда.

Амаллар ниятга боғлиқ, шу маънода устоз журналист, “Ғалаба” газетаси муҳаррири, “Дўстлик” ордени соҳибаси, севимли рафиқа, икки нафар ўғлоннинг онаси, тўрт нафар набирасининг меҳрибон бувижони, ташаббускор, изланувчан ижодкор Шаҳзода Каримовани изланиш, ижод завқи ҳеч қачон тарк этмасин.

Матлуба ЮСУПОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар ва Журналистлар уюшмалари аъзоси.



НАСР

ТАҲРИРИЯТДАН:

Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси, таниқли адиб ва кинодраматург Муратбой Низанов 1951 йилда Кегейли туманидаги Оқтуба қишлоғида туғилган. Қорақалпоқ давлат университетини тамомлаган. Унинг “Шунақасиям бўлади”, “Нишона”, “Кулгим келади”, “Одам кулдиргани учун”, “Сизга бўлмайди”, “Ўзга сайёрада етти кун”, “Ақчагул”, “Охират уйқуси”, “Душман”, “Ошиқ бўлмаган ким бор?”, “Ҳаво кемасидан икковлон”, “Муҳаббат қўшиғи” каби 40 га яқин китоблари қорақалпоқ ва ўзбек ўқувчилари қалбидан чуқур жой олган. Асарлари асосида суратга олинган фильмлар орасида “Танк” бадиий фильми ўзбек кино санъатининг олтин фондидан муносиб ўрин эгаллаган. У бугун Янги Қорақалпоғистонни бунёд этиш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган замондошларимиз ҳаёти ҳақида асарлар ёзмоқда. Эътиборингизга адибнинг “Hurriyat” газетасига юборган янги ҳажвиясини ҳавола этдик.

ИТ СОТАМАН

(Ҳажвия)

Муратбой НИЗАНОВ,
Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси.



Ўзингиз биласиз, бизнинг шаҳарда бозорнинг тури кўп: деҳқон бозори, кийим бозори, мол бозори, эски-тускі бозори... Лекин ит бозори йўқ экан. Кўзи очилар-очилмасидан сут бериб боққан бир гуржи итим бор эди. Шуни сотишга мажбур бўлиб қолдим. Ҳар кимга айтсам:

— Қандай ит? — деб сўрайди.

— Гуржи.

— Вой, қўйсангиз-чи... Уни бир рус кампирни топиб сотмасангиз, ким оларди? Гуржидан одам ҳайиқмаса ё мол ҳуркмаса!

Таваккал қилиб бозорга чиқаришни ният қилдим. Бир бурчагидан бошини чиқариб, кичикроқ йўл сумкамга солиб олдим. Биринчи тўхтаган жойим мол бозори бўлди. Қарасам, бизнинг гуржи бу ерда умуман кўзга кўриниши мумкин эмас. Бўрдоқи сигирларнинг тўпиғига ҳам етмайдиган гуржини ким хаёлига келтиради? Унинг устига, олдинги оёқлари билан ер қазиб, бир неча таналар турибди. Шохи билан бир илдирса, оқтеракнинг учидан айланиб кетиши турган гап.

Қўй-эчки бозорига бордим. Ерга ўтириб, бироз бел-бўйнимни ёзай деб сумканинг оғзини очгандим, ит отилиб чиқиб, қўйларнинг орасига ўзини урди. Бўлди томоша!

Қўй-эчки бозорининг чанги осмонга чиқди. Бир зумда ким эчкисини тополмай юрибди, ким қўчқорини. Мен ҳар ёққа аланглаб, итимни излайман. Сиртдан кўзга ташланмайди. Қайси жойда қўйлар қаттиқроқ осмонга сакраса, ўша томонга югураман. Мен боргунимча қўйлар яна бошқа жойда сакрашади. Бунинг устига, бозорда бизнинг гуржи сабаб кўтарилган шовқин ҳам жонимга тегиб, бутун баданимдан совуқ тер чиқди.

— Бизнинг эчкини бер!

— Қаерда сенинг эчкинг? Ўзимники!

— Бош жипидан таниб турибман, ака! Бераман-бераман де!

— Ҳа, дунёда шундай арқон қуриб қолди, деб ўйладингми?

— Эй, мана бу қўчқор кимники? Тортсанг-чи қўчқорингни! Мен бу ерга қўй қочириш учун келганим йўқ!

Бировлар нима бўлаётганини тушунмай ҳайрон. Менимча, улар харидорлар бўлса керак.

— Нима? Нима бўлди ўзи?

— Нима тўполон?

— Эй, биров бозорга ити билан келганга ўхшайди!

— Қанақа эсипаст ўзи? Пешонасини ёриш керак!

— Кўзимга кўринса, итининг кунини бошига солардим!

Буларни эшитиб туриб, итимни қандай излашимни билмай қолдим. Лекин топиб олиб кетмасам бўлмайди. Қўйлар тўда-тўда бўлиб, гоҳ дарвозага, гоҳ деворнинг дуч келган жойига урилиб қочишяпти.

Ҳисобини топдим. Мен ҳам эчкисини йўқотган одам бўлиб қолдим.

— Йўл-йўл эчки кўрмадингизми?

— Қулоғида қуртдек тилиги бор йўл-йўл эчкими?

Бу белгилар бизнинг гуржи итнинг белгилари эди. Тилимда — йўл-йўл эчки, кўнглимда — гуржи ит, терлаб-пишиб излаб юрибман.

Бир пайт қўлимга тушди-ёв. Уринар-суринар сумкага тиқдим-да, бозордан чиқишга тушдим. Худо ёрлақаб, калтак еб қолмадим. Сиртимдан айтганлари бўлмаса, тўғри юзимга келиб ҳеч ким сўкмади.

Елкамни қисиб, товуқ бозорига бордим. Курка товуқ билан шайтон товуқнинг ўртасига ўтириб олдим. Гуржи итим сумкадан чиқишга уриниб, тинмай типирчилайди.

“Оғзи куйган қатиқниям пуфлаб ичади”, дейишади-ку. Ўлдириб қўяйми? Ҳар эҳтимолга қарши керак бўлар, деб уйда компьютерда “Ит сотаман” деб катта ҳарфлар билан ёздириб олиб чиққандим. Вақти-вақти билан шуни кўрсатиб қўяман. Бирор одам эътибор берса, қани эди!

Кўп ҳам эмас, оз ҳам эмас, икки соатча ўтирдим.

— Қайтган молда хайр бор, қайта қолайлик, — дедим итимга. — Насибанг бўлса, кейинги бозорни кўрармиз.

Шу орада ўзим тенги, озода кийинган бир зиёли киши таблони кўриб қолди.

— Ит қани? — деди менга.

Мен иягим билан сумкани кўрсатдим.

— Чиқар, кўрайлик.

Товуқлар ҳуркиб кетмасмикан деб қўрқа-писа сумкадан олдим. Лекин уйда товуқлар ит билан аралашиб юради-ку. Ўрганган. Ҳуркмади.

— Қанча айтасиз? — деди бўлажак харидор.

— Қайдам? Бундан олдин ит сотиб кўрмаган бўлсам...

— Шунда ҳам бозорга олиб келганингиздан кейин ният қилган нархингиз бордир... Уйда бир эркатой ақллигим бор — гуржи ит деса, ўзини томдан ташлайди. Бўлмаса, бунингизга бир қуён овлатай, деб турибманми?

— Илгари Одессада ит бозорига бориб қолгандим. Шунда оғзи катта, думи калта бир итга уч минг доллар айтаётганини кўрганман.

— Эй, жўра, долларларнинг бошини оғритиб нима қиласиз? Мана бу гуржингиз тарозига тортганда икки кило чиқса чиқади, чиқмаса йўқ. Шунга яраша нархини айтинг.

Хуллас, у оладиган бўлди, биз сотадиган бўлдик.

— Энди бозорнинг ўз қоидаси бор, — дедим харидорга. — Мол сотганда айбини айтмасам, савдо ҳаром бўлади.

— Ҳа, ҳа, — деб маъқуллади у. — Қандай айби бор бу бечоранинг?

— Ит судланган!

— Нима?!

Харидорнинг оғзи очилиб қолди.

— Қўрқманг, қўйинг. Жуда хавфли жиноят қилмагани учун афв этилган.

У мени тирсагимдан тортиб, нарироққа чиқарди.

— Тушунтириброқ айтинг, нима ўзи бу — “судланган”, “афв этилган”?

— Бунинг тарихи бундай. Ростини айтсам, сотгим ҳам келиб тургани йўқ. Ўзим бир кичкина кўчада яшайман. Кўчамизда ўн бир хўжалик бор, холос. Бизнинг бу гуржи ўша ўн бир хўжаликнинг ҳаммасини қўриқлайди. Кўчанинг у бошидан кўринган одамни бу бошигача кузатиб чиқади. Унинг ҳурганига биров эътибор берадими-йўқми, барибир ҳураверади. Лекин бир яхши одати бор: тишламайди.

Бахтга қарши, бир куни ғазабланиб, қўшнимнинг боласининг билагидан тишлаб олибди. Унда ҳам айб боланинг ўзида. Гуржининг бурнига чўп тиқиб қочган экан.

Қўшни боласини етаклаб уйимга келди.

— Итингиз қутурмаганмиди? — деб сўради мендан. Лекин аччиқланмади.

— Йўқ, ундайдан омон. Бир ойлигида ветеринар назоратидан ўтказиб, ҳамма ҳужжатларини олиб қўйганман. Керак бўлса, кўрсатай.

— Йўғ-э, шартмас. Ишонаман-ку. Шундай бўлса ҳам боламни докторга олиб бориб кўрсатай. Ўзинг биласан-ку, ўтган йили микроавтобусда бир корейс аёлни ўзининг мушуги тишлаб ўлдириб қўйган.

— Тўғри, эҳтиётда фойда бор. Бирга юр десангиз, бирга борай.

— Йўқ, ўзим кўрсатаман.

Кўрсатганга ўхшайди. Тушдан кейин ҳайвонларни муҳофаза қилиш жамиятидан бир одам келди.

— Итингиз қутурмаганмиди? — деди у.

— Йўқ.

— Ветеринарга кўрсатиб турибсизми?

— Кўрсатиб турибман.

— Ҳужжатларини олиб келинг.

Олиб келдим. Кўриб-кўриб, ҳеч камчилик топа олмади.

— Нега боғлаб қўймагансиз? — деди охири.

— Туғилганидан бери ҳеч боғланмаган эди.

— Боғланмаган бўлса, энди боғлайсиз. Тегишли тартибда жарима ҳам тўлайсиз!

Ходим сурбетларча пулни кўрсатиб, жарима ёзиб берди. Ҳатто кўзимнинг олдида итни боғлатди. Илгари арқон тегиб кўрмаган бечора осмонга сакраяпти, ер тирнаяпти, арқонни чайнаяпти. Ростини айтсам, ўзимнинг раҳмим келиб кетди.

Эрталаб ветеринария бўлимидан бир доктор қиз келди.

— Итингиз боғланганми? — деди дарвозани қия очиб туриб.

— Боғланган, келаверинг.

У ҳам ҳужжатларни бирма-бир кўриб чиқди. Кейин:

— Эмлаш қиламан, — деди.

— Ҳа, яқинда ўзи эмланган эди-ку.

— Ҳар эҳтимолга қарши. Бундан қутуриб кетса, биз жавоб берамиз.

Эмлаш пулини тўлаб, докторнинг қайтиши учун такси чақириб бердим. Албатта, таксининг пули ҳам биздан кетди.

Тушдан кейин участковой инспектор келди.

Унинг ит билан унча иши йўқ эди.

— Уйда яшириб сақлаб қўйган қурол-яроғингиз йўқми? — деди менга жиноятчига қарагандек тикилиб.

— Йўқ. Умуман, қурол деган нарсани ушлашга қўрқаман.

— Гиёҳвандлик нарсаларидан нима бор?

— Ҳеч нарса!

— Ўзингиз пиёниста эмасмисиз?

— Йўғ-э! Ора-сирада чанқаган вақтим бир бокал, ярим бокал пиво ичаман.

— Пиво ҳам алкоголга киради. Албатта, асосий масалага келайлик: итингиз нега қўшнингизнинг боласининг қўлини тишлади?

— Қаердан билайин? У ит бўлса...

— Менга қарши гапирманг!

Ростини айтсам, қўшнимдан қаттиқ аччиғим келди. Милицияга айтмаса нима қиларди?! Кейин билсам, ит тишлаган ҳолат бўйича докторлар тегишли жойларга хабар беришга мажбур экан.

Бундан кейин инспектор уйга келмади. Эвазига кун ора ўзим унинг идорасига борадиган бўлдим. Бормасам, кейин жанжал бўладиганга ўхшайди.

Инспектор менга мана шу ҳужжатларни тўплаб келишни топширди: иш жойимдан тавсифнома, ойлик иш ҳақим ҳақида маълумотнома, илгари судланмаганим ҳақида ички ишлар бўлимидан маълумотнома, ўнг ва чап томондаги қўшниларимдан менинг тартибли одам эканлигим ҳақида ишонч хати, маҳалла раисининг тасдиғи билан қўй оғзидан чўп олмайдиган даражада ювошлигим ҳақида маълумот, уйда хотиним билан жанжаллашмаслигим, болаларим мактабда яхши баҳоларга ўқиши ҳақида тавсифнома, хуллас, газдан, тоқдан, сувдан, чиқиндидан қарздор эмаслигим ҳақида ҳам маълумотномалар олдирди. Буларнинг ҳаммасига икки ҳафта вақтим кетди. Ишдан ҳам эшитмаган бақиригим қолмади. Лекин гуржи итимнинг парвойи палак. Қўшнининг боласини мен тишлагандек, бутунлай ўзим айбдор бўлиб қолдим.

— Энди бу масала битдими? — дедим инспекторга энг охирги сўраган маълумотномасини олиб бориб бераётганда.

— Уни суд ҳал қилади! — деди у.

— Ҳали судга ҳам бораманми?

— Бориш тугул, судланасиз ҳам!

Орадан бир ярим ой ўтиб, судга чақирилдим. Ишдан сўраб чиқишим жуда қийин бўлди. Усиз ҳам кун ора иш қолдириб, анча ёмон отим чиққан.

Энди:

— Судга чақиришган экан, — десам ҳамма мендан гумонсирайди.

— Итнинг суди бўладиган эди, — десам, мабодо инспектор эшитиб қолса...

Хуллас, судга бир соат кечикиб бордим. Ижрочи мени йўлакда учратди.

— Сизнинг итингизнинг суди бўлиб кетди, — деди у.

— Қандай хулосага келинди?

— Хавфли жиноят қилмагани учун кечирим берилди. Лекин жарима тўлайсиз. Буйруқ уйингизга почта орқали боради.

Хуллас, шу гуржи итнинг овора-сарсонидан уч ой тинчим бузилди. Гўё шуни сотиб, қутулиб қолай дебман!

Харидор гуржини сотиб олиш учун пулини қўлида сиқиб турган эди. Аста-секин қайтариб, чўнтагига солди-да, “ол, яхши” ҳам демай кўздан ғойиб бўлди.

Бечора гуржи итни яна сумкага солиб уйга қайтдим. Оламиз десангиз, уйга келинг, сотаман.

Лекин айби бор: судланган, аммо жуда хавфли жиноят қилмагани учун афв этилган...

Адиба УМИРОВА
ўзбек тилига ўгирди.

УЛУҒЛАР ҲАЁТИ

Азамат чинорлардан бири



Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти лауреати, моҳир сўз устаси Одил Ёқубов ўзбек адабиёти боғида тан олинган азамат чинорлардан бири ҳисобланади. Унинг ҳар бир асари — у роман бўладими, қисса бўладими, драмами, публицистик мақолами — барчаси эълон қилиниши билан дарҳол эътиборга тушарди.

1963 йилда ёзилган, адибни элга танитган “Муқаддас” қиссасини ўқувчилар ютоқиб ўқиганларини кўрганман. Қисса, айниқса, ёшлар қўлидан тушмасди, давраларда у ҳақида қизғин баҳслар кетарди. Покиза маъсума қиз Муқаддас образи шунчалар ишончли ва ҳаётий тасвирланган эдики, ҳатто бир ўқувчи асарни ўқиб, қаттиқ ҳаяжонланибди. У ёзувчига мурожаат қилиб, ўзининг бекободлик эканини билдириб, унда Муқаддасни Бекободдан топиш, у билан танишиш истаги туғилганини, турар жойини аниқ айтиб беришини сўраганига гувоҳ бўлганман.

Шунда Одил ака хижолат бўлиб: “Қаранг-а, ўзини ёзибман-у, қайда туришини сўраш эсимдан чиқибди-я...” — деб қутулганди.

Инсон дардини ёритиб бериш, кўрсатиш, уни авайлаш туйғуси адибнинг ҳамма асарларида балқиб туради. Замон мураккабликлари, мафкура исканжалари сиқувида ижод қилганига қарамай, адиб нозик адабий усуллар топиб, ҳаққоний руҳда ёзилган асарлар яратишга эришди, адабиётимизни бойитиб берди. “Улуғбек хазинаси”, “Диёнат”, “Кўҳна дунё” романлари, қатор қиссалари ана шулар жумласидандир.

Одил Ёқубов тўғрисўз адиб эди, соддафеъл, очиқ қалбли инсон бўлган. Кўп сафарларда бирга бўлганмиз, ижодий суҳбатлар қурганмиз.

Самарқандда “Улуғбек хазинаси” романининг қизғин тақдимоти ўтказилганда мен ҳамроҳлардан бири эдим. Сафарда хушчақчақ ҳамроҳ, латифалардан завқланиб кетса, мароқ билан кулганидан катта-катта кўзлари ёшланиб кетарди. “Буни ҳаёт дейдилар!” — деган оптимистик сўзлар Одил акага тегишли.

Одил ака шахмат шайдоси эди. Ишдан сал бўш қолган пайтларида одамохун адиб Суннатулла Анорбоев билан шахмат майдонида қизғин “жанг қурардилар”. Биз томоша қилардик. Кирибоқ, Одил аканинг шахмат майдонидаги вазиятини тахтага қарамай туриб ҳам билиш мумкин эди. Агар у стол тагида ўнг оёғини ўйнатиб тебратиб турган ҳолда, рақибига мағрур қараб: “Буни ҳаёт дейдилар!..” деб дам-бадам гапириб турган бўлса, тамом: бечора Суннатулла Анорбоевнинг иши чатоқ!.. Аксинча бўлса, Одил акам оёғини ҳам тебратиш эсидан чиққан ҳолда мук тушиб тахтага тикилган, овози ҳам чиқмас эди...

Каминага бир неча йиллар Одил ака билан бирга хизмат қилиш насиб этган. Ўтган асрнинг 70-80-йилларида Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида ишлардик, Одил ака нашриётнинг бош муҳаррир ўринбосари, камина эса бош муҳаррир эдим.

1973 йил қиши бўлса керак, биз бир куни ишдан кейин Одил акам билан Навоий кўчаси бўйлаб уйга жагини сўйлаб берди. У янги асар завқидан маст эди. Ёзувчи ҳаётида юрак-бағри янги асар сеҳри билан тўлиб-тошган, у ҳақда кимгадир ёрилгиси, кўнглини бўшатгиси келиб турган шундай бахтли лаҳзалар бўлиб туради.

Тез орада роман қоғозга тушди, аввал “Шарқ юлдузи” журналида эълон қилинди, кейин китоб бўлиб чиқди, бошқа тилларга таржималар қилинди. Ҳа, адабиётимизни (Мақсуд Шайхзоданинг “Мирзо Улуғбек” трагедиясини ҳисобга олмаса) бадиий юксак, ўзига хос асар билан бойитди.

Одил Ёқубовнинг дўстлари кўп эди.

Атоқли ўзбек адиб ва олимлари: академик Матёқуб Қўшжонов, машҳур ижодкорлар Шукрулло, Пиримқул Қодиров, Абдулла Орипов, Пирмат Шермуҳамедов ва бошқа бир қатор адиблар унинг ҳамсуҳбатлари эдилар.

Чингиз Айтматов билан бордикелдилари борлигини биламан. Чингиз Айтматов ва Одил Ёқубовлар бир-бирларидан тез-тез хабар олиб турадиган, бир-бирини қўллаб-қувватлайдиган яхши дўстлар эканини айтиб ўтмоқ жоиз. Аввало, улар эскидан ҳамсаф, тенгқур, қолаверса, бир неча йиллар Марказий Осиё халқлари ассамблеясида бирга ҳамкорлик қилишган эдилар. Икки адибнинг бир-бирларига ҳурматлари жуда самимий, ижодларига бўлган муносабатлари ҳам мақтовга сазовор, бошқаларга ибратли эди. Ибратли жойи шуки, ҳар икки адиб ҳам бир-бирларининг янги асарлари эълон қилиниши биланоқ ўқиб чиқардилар, қувонардилар ва ўз фикрларини бир-бирларига етказардилар, ўртоқлашардилар.

Биргина мисол келтириб ўтаман. 1973 йилда ёзилган Одил Ёқубов қаламига мансуб “Улуғбек хазинаси” номли тарихий романи тез орада машҳур бўлиб кетди, ўқувчиларнинг севимли асарларидан бирига айланди, қўлдан тушмай қолди.

Чингиз Айтматов дўстининг асаридаги қаттиқ ҳаяжонга солди. Ҳаяжонимнинг асосий сабабчиси — ровийликнинг сеҳрли усули, бироқ бунинг барчасидан ташқари сенинг асарингни ўқиб туриб, мен улуғ туркий ғурурни (таъкид бизники — М.А.) ҳис этдим. Улуғбек бизни ҳамиша оқловчи куч, у бизнинг дардимиз ва дунё ҳақида фикр юритишга ҳуқуқ берадиган юксак тажрибавий истиробимиздир...”

Қандай ажойиб, самимий сўзлар!

Чингиз Айтматов ўзбек дўстини катта ва жиддий ижодий муваффақияти билан табриклар экан, ҳар қандай даврнинг ўз Улуғбеклари бор, деган хулосага келади, Улуғбекнинг машаққатли ҳаёти ва улуғвор фожиани бошидан кечиргани, у ўз даврининг ҳамма қабул қилган тартиб-қоидаларига қарши исён кўтарган шахс эканлигини таъкидлайди. “Зиёли ва ҳақгўй Инсоннинг фожиаси Улуғбек шахси ва тақдирида кечгани”дан ва бу тақдир “Улуғбек хазинаси” романида ишонарли ёритилганидан баҳоят таъсирланганини айтади.

Одил Ёқубов ёшлар адабиётига катта қизиқиш билан қарар, ҳамиша уларни рағбатлантириш йўлини танларди. Янги асарлар муҳокамаларида иштирок этар, ўз тажрибаларини ёшлар билан баҳам кўрарди. Каминанинг “Сарбадорлар” тарихий романи муҳокамаси бўлди. 1989 йил 1 декабрь куни эди.

Зални адабиётимиз дарғалари Матёқуб Қўшжонов, Саид Аҳмад, Бўрибой Аҳмедов, Одил Ёқубов, Мирмуҳсин, Пиримқул Қодиров ва Бегали Қосимов, Пирмат Шермуҳамедов, Хайриддин Султонов, Тоҳир Қаҳҳор, Машраб Бобоев сингари бошқа адиблар тўлдириб ўтирар эдилар. Кўпчилик сўзга чиқди. Роман мавзуси янги экани таъкидланди. Муҳокама қизғин ўтди, муаллиф учун кўп яхши фикрлар айтилди. Мен бу фикрларни ёзиб олдим, кейин романни нашрга тайёрлашда фойдаланажагимни айтиб, миннатдорлигимни билдирдим.

Муҳокамадан кейин Одил акам мени табриклаб, кўзларини қисганча, ярим ҳазил аралаш шивирлади: “Бундай... Темурбек билан Сароймулкхонимни бир-бирига учраштирмайсизми!..” Мен ҳам ҳазил билан жавоб бердим: “Агар улар истасалар... учраштираверaман!..” Мароқ билан кулишдик.

Одил ака кўп ўқир эди. Эсимда бор, Уюшмага раислик қилган йиллари иш столи устида имзо қўйилишига муҳтож ҳар хил ҳужжатлар билан бирга, албатта, кимнингдир янги асари қўлёзмаси ярим очиқ ҳолда турган бўларди.

Одил Ёқубов юз ёшга кирди. Бу биринчи юз ёш, холос, ҳали бундай қутлуғ саналарга саноқ ҳам етмай қолиши шубҳасиз.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти лауреати Одил Ёқубов, устозлар Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Шуҳрат, Пиримқул Қодиров сингари улуғ адиблар сафида турадиган ёрқин қалам соҳибидир.

Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

УМР ИБРАТИ

ЎЗБЕК ТИЛИ ЖОНКУЯРИ, МОҲИР ТЕЛЕРАДИОЖУРНАЛИСТ, ФАЙЛАСУФ ОЛИМ

Эътибор берсангиз, Иккинчи жаҳон уруши йилларида таваллуд топган инсонларнинг ўзига хос фазилати, ички матонати бўлади. Бу, энг аввало, чексиз шукроналик, камтарлик ва сабр-қаноат каби юксак инсоний хислатларда яққол намоён бўлади. Яратган кўп синов ва машаққатлар эвазига уларга бисёр яхшиликлар, ажру мукофот ва баракали умр ато этган.

Жорий йилнинг 6 июль куни Самарқанд шаҳрида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Муайяна Хўжаева таваллудининг 85 йиллиги тантанали нишонланди. Устоз журналист 1941 йилда дунёга келган бўлиб, оталари Нўъмон Хўжаев 1942 йилнинг ноябрида Сталинград остонасида қаҳрамонларча ҳалок бўлган эди. Тадбирда қатнашган ёш қаламкашлар устознинг тинчлик қадри ҳақидаги бадиа ва ҳикояларини мароқ билан тинглаб, уруш нақадар шафқатсиз офат эканини яна бир бор чуқур ҳис этдилар.

Куни кеча эса яна бир фахрий журналист, моҳир таржимон, “Меҳнат шуҳрати” ордени соҳиби, фалсафа фанлари номзоди, доцент Зафар Саидовнинг 85 йиллигига бағишланган тадбирда иштирок этдик. Зафар ака ҳам падари бузруквор лари иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларида жонбозлик кўрсатаётган оғир бир даврда — 1941 йилнинг 7 сентябрида Тошкент шаҳрида дунёга келган. Онаизор Ақида опа чақалоқни бағрига босган дамларда уч ўғилнинг отаси миллионлаб жангчилар сафида ғалаба қозониб, юртга эсон-омон қайтиш ниятида кенжасига Зафар деб исм қўйган эди. Аммо мурғак гўдак дийдори, унинг камоли ва Ғалаба қувончини кўриш отага насиб этмади. Ватан ҳимоячиси Ҳошим Саидов 1943 йил 17 январь куни Воронеж вилоятининг Острогожск шаҳрини озод қилиш учун кечган шиддатли жангларда мардонавор ҳалок бўлди.

Онаизор Ақида ая Саидова турмуш ўртоғининг васиятига содиқ қолди (Ҳошим ака фронтга кетиш олдидан: “Агар қайтиб келмасам, ягона ўтинчим — болаларимни ўқитасан”, деб васият қилган экан). Она уч ўғлини емай-ичмай вояга етказди, уларнинг таълим-тарбияси билан сидқидилдан шуғулланди. Натижада фарзандларнинг бари ўрта мактабни олтин медаль билан тугатиб, олий ўқув юртларига имтиёзли қабул қилинди. Катта ўғил Тоҳир физика-математика фанлари доктори, Зойир ҳам Москва шаҳрида техник соҳада илмий изланишлар олиб бориб, фан доктори, профессор даражасига кўтарилди. Зафар ака эса Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) филология факультетини битириб, иш фаолиятини Сирдарё вилояти мактабларида ўқитувчиликдан бошлади, сўнг бутун умрини телерадиожурналистикага бағишлади.



— Бир куни онам ҳузурларига чорлаб: “Акаларинг фан доктори бўлди, иккови ҳам нуфузли олий ўқув юртларида кафедра мудири, декан, ҳатто проректор даражасига кўтарилди. Сен-чи? Оддий журналист бўлиб юраверасанми? Аспирантурага кирасан, гап тамом-вассалом!”, деб койидилар, — дея хотирлайди Зафар ака. — Онамнинг панду насиҳатлари сабаб аспирантурада ўқиб, 1975 йили фалсафа йўналишида номзодлик диссертациямни ҳимоя қилдим. Фалсафа илми дунёқарашимни буткул ўзгартирди: барча ҳаётий ва ижодий масалаларга, борлиққа фалсафий нигоҳ билан баҳо берадиган бўлдим.

Бироқ Зафар Саидов олий таълимда қолишдан кўра амалий журналистикани маъқул кўрди. 1965 йилдан бошлаб узоқ йиллар Миллий телерадиокомпанияда, “Тошкент халқаро радиоси”да, кейинчалик Ўзбекистон Журналистлар уюшмасида самарали фаолият юритди.

Мана, анча йилдирки, у киши “Менинг юртим” телеканали Бадиий кенгашининг масъул котиби сифатида хизмат қилмоқда. Юксак масъулият талаб этувчи бу вазифада ёш авлодга ибрат кўрсатиб, уларга маҳорат сабоқларини бериб келаётир. Қисқа айтганда, бугун ушбу телеканалнинг кўзи ва қулоғи! Бу фидокорона меҳнат муносиб эътироф этилиб, 2019 йили Давлатимиз раҳбарининг Фармонига кўра у киши “Меҳнат шуҳрати” ордени билан мукофотланди.


— Устозимиз Зафар Ҳошимович Саидов билан етти йилдан буён бирга ишлаймиз, — деди мазкур телеканалнинг Бадиий кенгаши раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Муаттар Асқарова. — Устозда табиий туғма зиёлилик ва юксак маданият бор. Мен Зафар акамдек она тилимизга жонкуяр мутахассисни кам кўрганман. Ёшлар билан ишлаётганларида ёнида албатта “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” туради. “Ҳар бир сўзнинг ўз ўрни бор”, деб тез-тез луғатга мурожаат қиладилар. Зафар ака — ҳақиқий қомусий билимга эга тилшунос олим.

Зафар аканинг турмуш ўртоғи Рихсихон ая ҳам ўзбек тили ва адабиётининг етук мутахассиси. Миллий университетда кўп йиллар талабаларга сабоқ берган, тилимиз равнақига улкан ҳисса қўшган. Улар уч фарзандни тарбиялаб, олий маълумотли қилиб вояга етказишди. Шу боис бу хонадонда доимо илм-маърифат зиёси ҳукмрон. Қалбларида эса ҳануз эзгуликка чорлов, самимий меҳр-муҳаббат чарақлаб турибди.

Билимли ва маърифатли инсонлар ҳамиша оила файзи, жамият ва эл-юрт кўрки бўлиб келган, шундай бўлиб қолади. Устозга сиҳат-саломатлик ва баракали умр тилаймиз!

Шерзод ҒУЛОМОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.
Шоқаҳҳор САЛИМОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

МУЖДА



ЧОРИ ХАЛИЛ ЙЎЛГА ТУШДИ

Инсон нима учун яшайди? Бу мангу саволга жавоб бериш учун кўпни кўрган донишманд ёки файласуф бўлиш шартми? Ёзувчи Қулман Очилнинг “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти томонидан чоп этилган “Хатар дарбозаси” романи қаҳрамони Чори Халил каби тиниб-тинчимаган журналист бўлиш кифоя қилар балки? Балки, ўзинг мансуб жамият, Ватанинг ва оиланг олдидаги бурчингни англаб етсанг, жавоб ўз-ўзидан топилар?

“Хатар дарбозаси” инсон тақдири ҳақида. Юрт кезишни, қўшнисидан бошқа ҳеч ким танимайдиган одамлар ҳақида ёзишни хуш кўрадиган Чори Халил бошидан кечирган ғаройиб воқеаларнинг аксариятига ҳаётда роман муаллифи – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Қулман Очилнинг ўзи гувоҳ бўлган. Китобхонни ҳайратга солишга уста. Қаҳрамоннинг бошига тушган оғир савдолар, ошиқ кўнгилнинг муҳаббат бобидаги изтироб ва қувончлари ғоят самимий, халқона тилда, жозибали тасвирланган роман зўр мароқ билан ўқилади. Мутолаадан эса, улуғларимиз уқтирганларидек, ким нимани изласа, шуни топади.

Ўқинг, топинг ва завқ олинг: Чори Халил йўлга тушди. Юрт кезишни яхши кўрса, нима қилсин!..

Азизбек САЛИМ

Hurriyat Mustaqil gazeta

Муассис: Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси

Бош муҳаррир Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.

Баҳоси келишилган нархда

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган маълумотлар учун муаллиф жавобгар.

Адади: 3355
Буюртма — Г-944

1 2 3 4 5 6

Топширилиш вақти — 21⁰⁰
Топширилди — 23³⁰

Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (71) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70

Манзилимиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Эркин Ёдгоров томонидан саҳифаланди.

ISSN 2181-0680

Обуна индекси: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Навбатчи: Йўлдош Маҳмудов. Мусаҳҳиҳ: Зуҳра Ҳасанова.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.